

SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқни сақлаш масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда чоп этилади

Оддий сайгоқнинг
морфологик хусусиятлари
(*Saiga tatarica tatarica*)



В. Малеев сурати

Сайгоқ систематикаси

Д.П. Мэллон

МСОП антилопалар бўйича ишчи гуруҳининг раисдоши,
d.mallon@zoo.co.uk

Mammal Species of the World [дунё сунт эмизувчилари] (Wilson, Reeder, 2005) учинчи нашрида мўғул кенжа тури йўқ бўлиб кетган *S. borealis* шаклига киритилиши сабабли, сайгоқнинг *Saiga tatarica* ягона тур сифатида анъанавий классификацияси шубҳа остига олинди.

Систематика биринчи навбатда эволюцион тарих ва турли шакллар ўртасидаги боғлиқликни имкон қадар

аниқ акс эттиргани учун жуда муҳим. Шунингдек у, турга оид таксономик бирликлар МСОП Қизил рўйхатлари, СИТЕС Иловалари ва тегишли табиатни муҳофаза қилиш қонунлари – Қўчиб юривчи турлар бўйича Конвенция ҳамда бошқа халқаро битим ва миллий қонунларнинг асосини шакллантириши сабабли, амалий аҳамиятга ҳам эга. Шунингдек турлар глобал, регионал ва локал даражада табиатни муҳофаза қилишнинг устувор йўналишларини шакллантиришда кенг қўлланади. Вазиятни ойдинлаштириш мақсадида яқиндаги тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда сайгоқ систематикасини умумлаштиришга уриниб кўрдик.

Турли вақтларда сайгоқ бошқа кўп турлар каби бир нечта номлар, жумладан *S. imberbis* номи билан маълум бўлган. Бу ном ҳозир қўлланмайди, бу ҳайвоннинг умумқабул қилинган илмий номи эса - *Saiga tatarica* Linnaeus, 1766.

Аввал, бош суягининг катталигидаги фарқлар, шохларининг шакли ва катталиги, шунингдек жунининг тусига асосланиб мўғул сайгоғи А.Банников (1946) томонидан алоҳида *Saiga mongolica* тури каби тавсифланган. Бирок муаллиф яқин орада ўз нуқтаи назарини қайтадан кўриб чиқди ва уни фақат *S. imberbis mongolica* [= *S. tatarica mongolica*] кенжа тури деб қабул қилди (Банников, 1954).

Ушбу иккита замонавий *S. t. tatarica* ва *S. t. mongolica* кенжа турлардан иборат бўлган классификацияга деярли барча экспертлар риоя қилади (Ellerman, Morisson-Scott, 1951, Гептнер ва бошқ., 1961, Соколов, 1974, Corbet, 1978, Соколов, Жирнов, 1998). Шунингдек сайгоқнинг яна учта қазилма кенжа тури *S. t. borealis*, *S. t. prisca* и *S. t. binagadensis* ҳам тан олинади (масалан, Соколов ва бошқ., 1998).

М.Холодова ва бошқ. (2006) замонавий сайгоқнинг ушбу классификациясини қўллаб-қувватлаш учун генетик далилларни тақдим этди. Улар сайгоқнинг мавжуд бўлган бешта популяциясининг барчасидан (учтаси Қозоғистонда, биттадан Россия ва Мўғулистонда) олинган 93та тўқималар намунасида митохондриал ДНК анализини ўтказдилар. Натижалар “... *S. t. Mongolica* ни турдан кўра кенжа тур сифатида ҳозирги ажратилишини исботлайдиган, *S. t. mongolica* ва *S. t. Tatarica* ўртасидаги аҳамиятсиз, бироқ аниқ фарқни” кўрсатди.

Оҳури 2-бетда.

МУНДАРИЖА

Асосий мақола

Д.П.Мэллон

Сайғоқ систематикаси 1

Янгиликлар

Ш.Цутер Устюрт платосида козоқ-ўзбек чегараси бўйлаб тўсик қурилиши 3

Ш. Цутер Бетпақдала популяцияси сайғоқларига теккан ўлат... 4

Ю.А. Грачев 2012 й. Қозоғистонда сайғоқни авиаҳисобга олиш натижалари 4

Н.С. Шивалдова Қорақалпоғистон мактаб ўқувчилари учун янги ўқув курси 5

Е.А.Бикова, Б.Жоллибеков, Н.Ю. Арилова Сайғоқ куни-2012.... 6

Ф.Ли Сайғоқ Хитой WCS Жанубий-хитой дастурининг диққат марказида 9

С. Шарипова Биохилма-хиллик ҳамда нефть ва газ сектори..... 9

Розенфельд С. Олтин гагара сайғоқларни фалокатдан химоя қилади 10

Клепалов А. Олтин гагара сайғоқларни фалокатдан химоя қилади..... 10

Аксартова Ж. Сайғоқ шохларининг ноқонуний савдосига қарши информацион кампания бошланди..... 11

Матбуотдан: 12

Қозоғистон-Ўзбекистон чегарасида тўсик қурилиши.

Қизилўрдада сайғоқ шохларининг сотиб олинисини йўқотиш бўйича тадбирлар.

Сувлоқлар яратилиши Қозоғистонда сайғоқ сонини кўпайтиришга ёрдам беради.

Сайғоқларни химоя қилиш учун электр тўсик..

IFAW Россияда сайғоқни сақлашга ёрдам беради.

Браконьерлик ва ноқонуний савдонинг олдини олиш ҳоллари.

Мақолалар

Б.Бувейбаттар ва бошқ.

Мўғулистонда сайғоқ болаларининг яшовчанлиги ва жой экологияси..... 15

Г.Эллиот ва бошқ.

Каспий олди регионида сайғоқнинг яшаш жойларидан фойдаланишни баҳолаш учун маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторингни кўллаш..... 16

П.Дамерелл ва бошқ.

Устюрт платосида табиатни сақлаш бўйича маълумот бериш ишларини баҳолаш 17

А.Телькараева

Иргиз-Тўрғай-Жиланшик регионида алоҳида кўриқланадиган табиат ҳудудлари тармоғи 19

Э.Дж.Милнер-Гулланд

Устюрт платосида сайғоққа чегара тўсиғининг таъсири ва уни юмшатиш имконлари 20

Сайғоқни сақлаш – ҳаётларининг иши

А.А.Слудский, Қозоғистон..... 22

Оҳири (боши 1-бетда.)

Г.Баришников ва А.Тихонов (Baryshnikov, Tikhonov, 1994) сайғоқнинг йўқолиб кетган шаклларини ўрганиб чиқди ва Якутиядан қазилма намуналар катталигидаги фарқларга асосланиб, *S. borealis* таксономик мақомини тургача кўтарди. Шунингдек улар ушбу таксон Мўғулистонда *S. borealis mongolica* дек омон қолганлигини маълум қилди (яъни мўғул шаклини «*tatarica*»га эмас «*borealis*»га киритди). Бу фикрга «*Mammal Species of the World*» [дунё сун эмизувчилари] нинг учинчи нашрида Р.Grubb (2005) кўшилганда у янада кенгроқ тан олинди.

Кейин С.Groves ва Р.Grubb (2011) туёқлиларни таксономик тафтишда, А.Банниковни далил қилиб, мўғул сайғоғини *Saiga mongolica* сифатида аниқлашга қайтди. Бироқ, улар А.Банниковнинг ўзи биринчи фикрини қайта кўриб чиққанлигини (1) билмаслиги ва улар М.Холодова ва бошқ. (2006) тақдим этган генетик далилларни (2) келтирмагани ё уларни кўриб чиқмаганлиги маълум бўлди. С.Groves ва Р.Grubb (2011) маълумотлари, ўз навбатида, яқинда чиққан «*Дунё сун эмизувчилари маълумотномаси*»да [Handbook of the Mammals of the World] (Wilson, Mittermeier, 2012) туёқлилар рўйхати учун асос сифатида қўлланган.

Р.Campos *et al.* (2010) томонидан яқинда сайғоқларнинг барча яшайдиган жойлари, жумладан иккита *S. Borealis* дан олинган, 27 қазилма ва 38 замонавий намуналар мисолида митохондриял ДНКдан фойдаланган ҳолда, замонавий ва қазилма сайғоқлар ДНКни анализ қилиб, ўтказилган генетик тадқиқотлар натижасида алоҳида тур сифатида *S. borealis* мақоми бекор қилинди. Тадқиқотлар натижаси сайғоқларнинг иккита аниқ уруғи мавжудлигини тасдиқлайди: биринчиси шимолий-шарқий Якутия ва Уралдан барча замонавий ва қазилма сайғоқларни камраб олади. Иккинчи уруғ фақат шимолий Уралда учраб, ҳозирги кунда йўқ бўлиб кетган. Муаллифлар "...ушбу маълумотлар *S.borealis* алоҳида кенжа тур ёки тур бўлмаслигини тахмин қилади" деган хулоса қилади. Бундан ташқари, бу тадқиқот муаллифлари Г.Баришников ва А.Тихоновни ушбу илмий ишнинг ҳаммуаллифлари қаторига киритади ва шунинг учун энди улар ушбу қайта кўриб чиқилган нуктаи назарни кўллаб-қувватлайдиганлар орасида.

М.Холодова ва бошқ. (2006) томонидан ўтказилган генетик анализ, мўғул сайғоғи *S. Tatarica* кенжа тури бўлишини тасдиқлади, Р.Campos *et al.* (2010) замонавийроқ тадқиқотлари эса, барча замонавий сайғоқлар ва қазилма сайғоқларнинг кўпчилиги ҳам *S. tatarica* га оидлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳозирги вақтда мўғул сайғоғининг тўғри илмий номи - *Saiga tatarica mongolica* Bannikov, 1946 деган аниқ хулоса чиқарилиши керак.



Мўғул сайғоғининг морфологик хусусиятлари (*Saiga tatarica mongolica*)

Барча тадқиқотлар мўғул сайғоғи генетик жihatдан *S. t. tatarica* дан бир оз фарк қилиши, аниқ фарк бош суягининг катталиги, шохларининг катталиги ва шакли, терисининг туси ва экологиясида кузатилишини кўрсатади.

Иккала генетик тадқиқот ҳам *mongolica* кенжа тур ҳисобланиши керак деганда бир бирига тўғри келади. Бироқ генетик тадқиқот ҳозирча фақат намуналарнинг деярли кам миқдорининг митохондриял ДНК анализига асосланган. *Tatarica* ва *mongolica* орасида филогенетик боғланиш тўғрисида қатъий тушунча олиш учун, намуналарнинг кўп миқдорида ядро ДНКдан фойдаланиб кейинги анализларни ўтказиш фойдали бўлар эди. Агар бундай тадқиқот ҳақиқатдан ҳам тур даражасида фарқларни аниқласа, зоологик номенклатура қоидаларига мувофиқ, тўғри номи *S. borealis*. эмас *S. Mongolica* бўлади.

Таҳририятдан: Илтимос, мақолада келтирилган адабиёт бўйича маълумот олиш учун муаллифга мурожаат қилинг.

Янгиликлар

Қозоғистонда 2012 й. сайғоқни авиаҳисобга олиш натижалари

Ю.А.Грачев, Зоология институти КН МОН РК, teriologi@mail.ru

Сайғоқларни Қозоғистонда авиаҳисобга олиш 2012 йил 8 апрелдан 26 апрелгача КН МОН РК, Зоология институти, ҚР ҚХВ ўрмончилик ва овчилик кўмитаси, “ПО Охотзоопром”, ўрмончилик ва овчилик кўмиталарининг ҳудудий инспекциялари, Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК), “Хайвонот дунёси ИТИ” ТОО ва “Фауна” ТОО ходимларининг иштирокида ўтказилди. Ҳисобга олиш


маълумотлари бўйича Қозоғистонда сайғоқнинг умумий сони 137.5 минг бошдан иборат (2011й. – 102 минг), жумладан бетпақдала популяцияси – 110 минг, устюрт популяцияси – 6.5 минг, урал популяцияси – 21 минг зот. Сайғоқлар сонининг 2011 й. нисбатан энг катта ўсиши бетпақдала популяциясида белгиланган – 40.7%, урал популяциясида ушбу сон 11.1%, устюрт популяциясида эса атиги 6.5% ни ташкил этди.

Устюрт платосида қозоқ-ўзбек чегараси бўйлаб тўсиқ қурилиши

Ш. Цутер, АСБК, steffen.zuther@acbk.kz

2012 й. баҳорда Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) Қозоғистон ва Ўзбекистон орасида чегара бўйлаб, сайғоқларнинг миграция йўлида ғов бўлиши ва браконьерлар учун қулай шароитлар яратиши мумкин бўлган тўсиқ қурилиши тўғрисида маълумот олди. АСБК Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (ҚҚХВ) Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги кўмитасидан чегара иншоотларининг қурилиши тўғрисида расмий маълумот беришни сўради. Ўхшаш талаб ҚҚХВга Кўчиб юрвчи турлар бўйича конвенция (CMS) томонидан ҳам қўйилди.

Ҳар йили сайғоқларнинг катта миқдори шимолдан ёзги яйлов ва кўзилаш жойларидан жанубга кишки яйловларга кўчиб ушбу чегарани кесиб ўтади. Чегара бўйлаб қўйилган тўсиқ бунга ҳалақит бериши мумкин.




1-расм. Зоология институти томонидан тавсия этилган миграция коридори

Бунинг оқибатлари ҳали ҳам мушкул аҳволда бўлган устюрт популяцияси учун ниҳоятда жиддий ва олдиндан айтиб бўлмайдиган.

Чегара органлари билан ўтказилган мажлисдан сўнг ҚҚХВ тўсиқ қурилиши янги божхона иттифоқининг ташқи чегараларини мустаҳкамлаш дастури доирасида амалга оширилаётганини маълум қилди. КН МОН РК Зоология институти томонидан ҳайвонларнинг эркин кўчиб юришини таъминлайдиган ва уларга жанубдаги қишлоқ жойларига ўтишига имкон берадиган очиқ коридор яратиш учун тавсиялар берилди (1-расм). ЎОХҚ устюрт сайғоқ популяцияси учун ушбу масаланинг муҳимлигини тушунади ва ёввойи ҳайвонларнинг миграция йўларини ҳисобга олган ҳолда тўсувчи иншоотларни қуриш соҳасида бошқа мамлакатларнинг тажрибаси тўғрисида маълумот олишдан манфаатдор.

2011/2012 йй. қишда тўсиқ қурилишининг якунигача Флора ва Фауна Интернешнл (ФФИ) ташкилоти ва АСБК томонидан бажарилаётган “Устюрт платоси табиий ландшафтларини сақлаш ташаббуси” лойиҳаси



2-расм. Қозоғистон ва Ўзбекистон орасидаги чегара иншоотлари ва иккита белги қўйилган сайғоқнинг мавсумий силжиш схемаси

доирасида йўлдошли бўйинбоғ билан белгиланган сайғоқлар чегарани муваффақиятли кесиб ўтди (2-расм).

ФФИ ва АСБК телеметрия бўйича лойиҳа доирасида ушбу масаланинг мониторингини давом эттиради.

Бетпақдала популяцияси сайғоқларига теккан ўлат


Ш.Цутер, АСБК, steffen.zuther@acbk.kz

2012 й. 19 майдан 25 майгача Қозоғистон Костанай областининг жанубида Жангилди районида бетпақдала популяциясининг асосий қўзилаш жойлари ҳудудида сайғоқлар ялпи нобуд бўлди. Бу сўнгги уч йил ичида республикада сайғоқнинг учинчи ўлати. 2010 ва 2011 йилларда Қозоғистоннинг ғарбий қисмида урал популяциясининг ўлати кузатилган (SN- 11, 13, 14

кар.). Умуман 2012 йилда 926 ҳайвон ўлди, бундан 759 урғочи, 19 эркаги ва 148 ёши. Ҳайвонларнинг кўпчилиги қўзилашдан кейин ўлган. Ўлат вақтида ҳеч қандай аниқ касаллик аломатлари кузатилмаган.

Сайғоқлар касалликларини ўрганиш бўйича уч йиллик давлат илмий дастури доирасида Биологик хавфсизлик муаммолари ИТИ АСБК техник кўмагида қўзилаш ҳудудида ишлар олиб борган эди. Мониторинг ўтказиш вақтида касалликнинг аниқ аломатлари белгиланмаган бўлса ҳам, тўпланган маълумотлар сайғоқлар ялпи нобуд бўлишининг сабабларини аниқлашга ёрдам беради.

Ўлат сабабларини ўрганишга бир нечта ташкилот жалб этилди. Ҳайвонлар ўлган жойда Тўрғай райони, Костанай, Остона ва Алмати ветеринарлари ишлади. Бундан ташқари, РКП “ПО Охотзоопром” ходим ва инспекторлари, ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Овчилик ва ўрмончилик хўжалиги қўмитаси (ОЎХҚ) вакиллари, ҳамда АСБК овчилик хўжаликларининг инспекторлари жалб этилди. ОЎХҚ расмий хабарига кўра, пастереллез сайғоқ ўлатининг сабаби бўлган. Ўлган ҳайвонлар жасади ўлат жойида йўқ қилинди, текширув давом этяпти.



1-расм. 2012 й. Сайғоқлар ялпи нобуд бўлган район схемаси

Қорақалпоғистон мактаб ўқувчилари учун янги ўқув курси

Н.С.Шивалдова, Econews.uz, nshivaldova@mail.ru

Яқин ўтмишда Ўзбекистонда Устюрт платосида жойлашган посёлкалар яқинида сайғоқларнинг кўчиш йўллари ўтган, қаҳратон қишларда эса хайвонлар тўғри посёлкаларга кирган. Бугун эса чўл антилопаларини одам яқинида учратмайсан – улар платонинг бориб бўлмайдиган олис бурчакларида ўтлайди, бироқ бу ерда ҳам энг асосий душмани – браконьёрдан халос бўлолмайди. Асосан браконьёрлар – бу камсонли, даштда ёйилган посёлкаларнинг аҳолиси.

Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар, Устюрт аҳолиси сайғоқларга қандай қилиб ёрдам беришлари мумкин? Албатта, болалар браконьёрларни қидириш бўйича рейдларга бормайди, бироқ браконьёрлар ҳам қачонлардир бола бўлган, мактабларда ўқиган. Бу ноқонуний овлаш йўлига турган одамларнинг оила ва болалари бор. Ўсиб келаётган авлод билан ишлаш – келажакка ишончли пойдевордир. Болалар ахборотга жуда таъсирчан, шунинг учун табиатга бўлган ғаразли ва бепарво муносабатнинг қолиплари устида ишлаш жуда муҳимдир. Сайғоқ тўғрисида иложи борича кўпроқ маълумот бериш, жонажон кенгликларидан бу ажойиб хайвонлар яшаётганидан мағрурлик туйғуларини тарбиялаш муҳим. Ўқитувчилар болалар учун воқелик дунёси ва муваффақиятли келажакка йўл бошловчидир, шунинг учун замонавий педагогик технологиялар уларга ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини йўлга қўйишга, уни қизиқроқ қилишга ёрдам бериши жуда муҳим.



А.Есанов сурати

Наталья Шивалдова Жаслик посёлкаси ўқитувчилари билан

4 апрелдан 8 апрелгача Сайғоқ кунига тайёргарлик кўриш доирасида Жаслик, Қорақалпоқ ва Қирқ-Қиз посёлкаларида маҳаллий жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ва ўрта мактаб ўқитувчилари билан семинарлар ўтказилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси эколог-экспертлари, Сайғоқни сақлаш бўйича альянс вакиллари ва ёшлар билан ишлаш бўйича тажрибали эксперт-методистдан иборат бўлган команда жойларга бўш қўл билан келмади. Ўқитувчиларга сайғоқ биологияси ва чўл экотизимлари бўйича ўқувчилар учун ўқув қўлланма, ўқитувчилар учун методик қўлланма, таълим берадиган стол ўйини ва плакатлардан иборат бўлган “Сайғоқ – табиатнинг ажойиб жонивори” ўқув тўплами тақдим этилди.

Ушбу ўқув тўплами Сайғоқни сақлаш бўйича альянснинг буюртмаси билан Дисней-Канада фондининг Пингвин клуби кўмагида Давтабқўмига ходимлари томонидан тайёрланган ва барча керакли мувофиқлаштириш ва соддалаштириш жараёнларини ўтган. econews.uz экологик порталининг хабар беришича ушбу ўқув тўплами ўқитувчилар орасида юқори баҳо олди, семинар-тренингнинг ўзи эса жўшқинлик билан ўтди. Ўқитувчилар ўқув курсининг синаб кўрилишига, ҳамда тантанали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларга тайёргарлик кўришга катта ғайрат билан қўшилдилар.



А.Есанов сурати

Ўқув плакатининг муҳоқамаси.

Ушбу экологик ташаббусни жойдаги ҳокимият ва куч тизимлари вакиллари ҳам қўллаб-қувватлади. Бу ерда, табиий ресурслар, хусусан сайғоқни авайлаб сақлашни тарбиялашга ва тарғиботига қаратилган ушбу тадбирлар цикли Ўзбекистонда сайғоқни сақлаш бўйича кенг кўламли фаолиятнинг фақат бир қисми бўлишини белгилаш ўринли бўлади. Умуман, уларнинг барчаси браконьёрликни олдини олиш ва сайғоқни сақлашга қаратилган. Бироқ, бутун куч сарфланишига қарамай, одамлар бари бир, ё одат бўлгани учун-ми, ё юзага келган анъаналар туйғайли-ми, баҳорги эрувгарчилик бошланиши билан, баҳоси – сайғоқ ҳаёти бўлган, энгил ўлжа тўғрисидаги фикр билан, чўлга йўл олдилар. Жойлардаги бозорларда пайдо бўлган сайғоқ гўшти бунинг қайғули далили бўлди. Устюрт дашт кенгликлари бўйича посёлкадан посёлкага кўчиб ўтиб, бошқача фикрлай бошлайсан.



Н.Шивалдова сурати

Қирқ-қиз посёлкасида семинар иштирокчилари

Фикрлар оқидамида ҳаёлда бир беъмани фикр ушланиб колди: “ҳар бир узилган ўқ, ўлдирилган сайгоқ барча сайгоқ браконьерларининг йўқ бўлиши пайтини яқинлаштиради, чунки улар ҳеч нимани овлай олмайдилар. Чўлда сайгоқ қолмаса, ҳеч ким билан курашиши ва ҳеч кимни қайта тарбиялашининг хожати қолмайди”. Фақат яқин орада чўл жонсиз бўшлиққа айлананиб, кўпроқ жонсиз ой ландшафтларига ўхшаб қолади, чунки бутун экотизим омонат уй каби бузилиб кетади. Сайгоқ – бу чўлнинг, унда яшовчи барча жониворларнинг “ҳаёт нафаси”. Сайгоқ – бу, унга ранг-баранг ва кўп қиррали чўл дунёсида жуда кўп нарса барпо қилинган ва цикллаштирилган платформа.

Сайгоққа ҳеч бўлмаса кичкина имконият бериш керак, шунда у ўзининг биологик хусусиятларига кўра, тез орада тикланишни бошлайди. Бироқ бу имконият, афсуски, фақат ташаббускор-экологлар гуруҳининг хоҳишига боғлиқ эмас ...

Таҳририятдан: агарда Сиз ўқув тўпламини қорақалпоқ (электрон ва қоғоз вариантлари) ва рус (электрон варианты) тилларида олмоқчи бўлсангиз, илтимос, Елена Биковага мурожаат қилинг, esipov@xnet.uz.

Сайгоқ куни - 2012

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россиядаги мактабларда ноёб антилопа – сайгоққа бағишланган экологик байрамларнинг ўтказилиши, яхши анъанага айланди. Бу тадбирни фақат болалар эмас, хатто катталар ҳам сабрсизлик билан кутади. Сайгоқ куни атроф-муҳит объектларига гамжўрлик нишонларини мустаҳкамлайдиган тарғибот ва самарали тарбиялаш усулининг яхши намунаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда Сайгоқ куни

Е.А.Бикова, Сайгоқни сақлаш бўйича альянс, esipov@xnet.uz

Ўзбекистонда Жаслик ва Қорақалпоқ посёлкалари ушбу ташаббуснинг ўчоқлари бўлди, бу йил эса, уларга Қирқ-Қиз посёлкаси ҳам қўшилди. Сайгоқни сақлаш бўйича альянс, Ўзбекистон Давтабқўмитаси кўмаги ва маҳаллий маъмурият иштирокида, мактаблар кучи билан тайёрланган ушбу тадбирда юзлаб ўқувчилар, катталар ва кичкинтойлар фаол иштирок этди.



А. Есипов сурати

Ўқувчилар тайёрлаган ўйинчоқ сайгорқлар

Эҳтимол, Жаслик п. 8-9 синф ўқувчилари орасида катта муваффақият билан ўтказилган граффити танлови энг ёрқин тадбирлардан бири бўлди. Танлов бадий лойиҳаларнинг тайёрланиши ва ҳимоясидан бошланди, кейин эса энг яхши расмлар, узок вақт мактаб девори бўлиб хизмат қилган, занглаган эски газопровод қузурига ўтказилди.



А. Есипов сурати

Концерт дастурининг кичик иштирокчилари

4-та мактабда ўтказилган байрамлар ажойиб концерт номерлари, интеллектуал викториналар, спорт беллашувлари, ижодий конкурслар билан очилди. Байрамдан олдин экологик марафон ўтказилди, унинг давомида ҳар бир мактабда сайгоққа бағишланган очик дарслар ўтказилди. Ҳар бир мактабдан энг қизиқарли ва билим орттирувчи дарсларни тайёрлаган бешта энг яхши ўқитувчи Сайгоқни сақлаш бўйича альянснинг фахрий совринлари билан тақдирланди.



Фото А. Есипова

Граффити танлови

Натижада кувур фақатгина мактаб ҳовлисини эмас, умуман посёлкани ҳам бебаган оригинал дизайнерлик асарига айланди. Жасликда яшовчиларнинг бири граффити билан ўтказилган тажриба натижасини шундай изоҳлади: *“кўзимиз олдида ўсмирлар ўз қўллари билан хунук нарсани гўзалликка айлантирди! Бу уларнинг катталар ёрдамисиз мустақил дунёни*

ўзгартиришда биринчи тажрибаси”. Ўқувчилар фақат чўл антилопаси тўғрисида ўз билимларини чуқурлаштирибгина қолмай, ўзларининг кучларига, жонажон ўлкасининг табиатини сақлаш учун ўзлари ҳам фойдали бир нима қила олишларига ишонч ҳосил қилганлигини, шубҳасиз, байрамнинг ютуқларидан бири деб ҳисобласа бўлади.

Қозоғистонда Сайғоқ куни

Б.Жоллибеков, Фауна ва Флора Интернешнл, Berdiyar.Jolibekov@fauna-flora.org

Бу йил май ойида Қозоғистон Республикаси Шалкар шаҳрининг 5-сон ўрта умумтаълим мактабида “Акбокен” экологик ёшлар клуби илк бор сайғоқ устюрт популяциясига бағишланган байрам ўтказди. Шалкарда Сайғоқ куни, унда Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК)нинг таклифи билан, Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоқ посёлкасида “Табиатти аялайик” экологик ёшлар клуби аъзолари катнашгани учун ҳам ўзгача бўлди, бу ушбу байрамга чинакам халқаро тус берди.



А. Исоева сурати

Қозоғистондан экоклуб аъзоларининг чиқиши.

жамиятни, айниқса ёшларни табиат муҳофазасини қувватлайдиган тадбирларда фаол катнашишига рағбатлантиришда экологик клублар муҳим роль ўйнашини қайд қилди.

Бу ёш авлоднинг экологик таълим олиши жараёни, уни табиатга онгли ва эҳтиёткор муносабатга, унинг тақдири учун жавобгарлик ва безовталиқ хиссини уйғотишига эриштиришининг ўзи, – деди Кумисай. Байрамда у ёшлар экологик клуби томонидан Қорақалпоқ посёлкасида ўтказилган тадбирлар тўғрисида ёрқин бўёқли презентация кўрсатди.

“Балалар жонажон ўлкасининг табиати тўғрисида нақадар яхши билиши мени ҳайратда қолдирди, – қойил қолди Салтанат Калиева, Қорақалпоқ посёлкаси 26-сон мактабининг директор ўринбосари, – Балаларга жуда кичик ёшдан теварак атрофга монанд муносабат асосларини солиши жуда муҳим. Синдирилган кўникмалар ва фаол иштироки туфайли, балаларимиз келажагимизни янада “яшил” қилади.



А. Исоева сурати

Ўзбекистондан экоклуб аъзоларининг чиқиши.

Анъанага кўра болалар чўл тимсоли – сайғоққа бағишланган мусиқий номерлари билан чиқди. Дастурнинг қизиқарли ечими болаларни дарров байрамнинг ўйин муҳитига жалб этишга имкон берди, бу ерда улар зўр билимлари, зехни ва “Сайғоқ тўғрисида нима биласан” мавзусидаги баҳсларда катта қизиқишларини намоян этди.

Байрамда болалар ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турлари билан танишди, “Сайғоқ ҳақида сага” мультфильми қахрамонларидан қадимги тарих ва сайғоқ йўқ бўлиб кетиш хавфи олдида турганини билиб олди. Болалар шалкар ўқувчилари томонидан тайёрланган халқ хунарамандлари кўргазмаси билан чинакам қизиқиш билан танишди. Шалкар кўлига бўлган экскурсия ва қарағайзордаги сайр ўзбекистонлик болаларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ўзбекистондан “Табиатти аялайик” экологик клубининг раҳбари Кумисай Жолдасова



А. Исоева сурати

Болалар Шалкар кўлига экскурсия вақтида

Иккала давлат экологик клублари аъзоларида унутилмас таассуротлар қолди, иштирокчиларнинг фикрлари ўхшаш бўлган ва Устюртнинг ноёб тимсоли – сайғоқни сақлаш учун имкон бўлган ҳамма нарсани қилишни истаган кўп янги дўстлар орттирди.

Шалқарда Сайғоқ Кунининг ўтказилиши Уолт Дисней Умумжаҳон Табиатни муҳофаза қилиш фонди ва USAID/SCAPES (устувор экотизимларнинг барқарор

муҳофазасига ёндашишлар) дастурининг молиявий кўмагида, АСБК ва ҚР ҚХВ ЎОХҚ иштирокида Флора ва Фауна Интернешнл (ФФИ) “Устюрт экотизимларини сақлаш ташаббуси” лойихаси томонидан қўллаб-қувватланди. Булардан ташқари, лойиха ёшларни жалб этиш йўли билан Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг трансчегара ҳудудларида яшайдиган аҳолида экологик онгни шакллантириш вазифасини ўз олдига қўйган.

Қалмоғистонда Сайғоқ куни

Н.Ю.Арилова, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази, arylova@gmail.com

Қалмоғистон Республикасида Халқаро Сайғоқ кунини нишонлаш доирасида Ёввойи ҳайвонлар маркази ходимлари томонидан мактаб ўқувчилари учун чоратадбирлар: маърузалар, викториналар, спорт мусобақалари ўтказилди. Байрам мақсади - чўл регионда сайғоқни сақлаш муаммосига ўсиб келаётган авлод эътиборини қаратиш. Эҳтимол, 10-сон ЎТМ 5-синф ўқувчилари учун А.М.Амур-Санан номидаги Миллий кутубхонада ўтказилган “Ўз ўлкангни сев ва бил” экологик даси энг ёрқин тадбирлардан бири бўлди. “Тўрт оёқли кўчманчи”нинг тақдири ва қалмиқ чўлининг бошқа долзарб экологик муаммолари тўғрисидаги дарс маъруза, видеоматериаллар, ҳамда “Сайғоқ – чўл антилопаси” интеллектуал викторинасидан иборат эди.



Н.Арилова сурати

10-сон ЎТМ ўқувчилари

Болалар “Сайга тўғрисидаги сага” мультипликацион фильми ва Ёввойи ҳайвонлар марказининг “Яшқўл” питомнигида олинган сайғоқлар тўғрисидаги видеороликларни катта қизиқиш билан кўрди. Ўтказилган тадбирлар ўқувчилар сайғоқ биологияси ва унинг аҳволи тўғрисида яхши билишини, сайғоқларнинг питомникдаги ҳаёти билан қаттиқ қизиқишини кўрсатди. Иштирокчиларга эсдалик учун сайғоқнинг тасвири бор откриткалар берилди.

Шунингдек, Артезиан ўрта мактаби ўқитувчиси Виктория Ностаеванинг бешта Яшқўл ва Черноземельск мактабининг ўқувчилари учун ўқилган маърузалари ҳам Сайғоқ кунига бағишланган эди. Ўқувчилар Сайғоқни сақлаш бўйича альянс қўллаб-қувватлаган лойиха доирасида Виктория томонидан тайёрланган сайғоқ тўғрисидаги презентация ва видеофильм, ҳамда рангдор ахборотли стенд билан таниша олдидлар.



Татьяна Каримова сурати

Рената сайғоқчани боқяпти



Т.Горьев сурати

Виктория Ностаеванинг маърузаси

САЙГАЧАТА

Мы, сайгачата, как ребята-
Очень любим ласку мы,
Возле мамочки резвимся
От зари и до зари.

Пьём водицу, щиплем травку.
Мы доверчивы, не злы.
Но пугает нас, что люди
Иногда к нам не добры.

Надо всем браконьерам сказать:
«В сайгаков нельзя стрелять!
Их нужно спасать, охранять».

Ведь браконьеры стреляют и
Сайгаки в степи исчезают.

Рената Байдельдинова,
Гашиун ўрта мактабининг 4-синф ўқувчиси, сайғоқ
дўстлари клубининг аъзоси

Биохилма-хиллик ҳамда нефть ва газ сектори

С.Шарипова, ПРООН-ГЭФ, sevara.sharapova@undp.org

Халқаро биологик хилма-хиллик кунининг нишонланиши муносабати билан, Тошкент кимё технология институтининг “Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси” йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалари орасида “Биохилма-хиллик ҳамда нефть ва газ сектори” мавзусида викторина ўтказилди. Институтда ушбу йўналиш бўйича 500дан ортиқ одам тахсил оляпти. Викторина яқин келажақда нефть ва газ сектори ишига жалб этиладиган талаба ёшларнинг биохилма-хилликни сақлаш муҳимлиги тўғрисида хабардорлигини оширишга ва уларнинг келажақдаги ишида табиатни муҳофаза қилишга рағбатлантиришга ёрдам бериш мақсадида, ПРООН-ГЭФ “Ўзбекистон нефть ва газ секторини сақлаш тамойиллари билан бирлаштириш” лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг кўмагида ўтказилди.

Тадбирни институт проректори Махпуза Караходжаева тантанали очди. Викторина қуйидаги саволлардан иборат эди: 1) Ўзбекистон ўсимлик ва ҳайвонот дунёси; 2) биохилма-хиллик тушунчаси; 3) Ўзбекистон ландшафтлари; 4) нефть ва газни қайта ишлаш. Танлов натижалари бўйича, энг зўр билим ва жамоа руҳини намоиш этган, “Oilgreen” командаси ғолиб бўлди.

Викторина профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалар орасида катта қизиқиш уйғотди. Талаба Диер Кабиров ҳайвонлар учун хатто биринчи қарашдан катта бўлмаган тўсиқлар ҳам жиддий бўлиши ва



“Биохилма-хиллик ҳамда нефть ва газ сектори” викторинаси иштирокчилари ва ғолиблари

натижада уларнинг популяцияси ахволига салбий таъсир кўрсатишини тахмин ҳам қилмаганлигини айтди. Масалан, кўчиб юрувчи тур бўлган сайғоқлар учун, газ қувур йўллари қурилишида ётқизиш учун тайёрланган қувурлар, ҳайвонларнинг бир яйловдан бошқасига ўтишида ўтиб бўлмайдиган тўсиқ бўлиши мумкин. Бошқа талаба - Шохрух Холматов викторина учун биохилма-хилликнинг сақланиши учун ҳар биримизнинг олдимизда бўлган жавобгарлик тўғрисида ўйланишга ундаган омил бўлганини қайд қилди.

Талабалар томонидан намоиш этилган қизиқиш биохилма-хиллик соҳасида билимларга ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича кўникмалар ҳосил қилишда эҳтиёж катталигини кўрсатди. Шунинг учун келажақда биохилма-хилликни сақлаш масалаларида талаба ёшларнинг хабардорлигини оширишга кўмаклашадиган янги тадбирлар режалаштирилди. Масалан, Биохилма-хиллик куни муносабати билан ўтказиладиган викториналарни мунтазам ва институтлараро қилиш истаги билдирилди.

Сайғоқ Хитой WCS Жанубий-хитой дастурининг диққат марказида

Фенглиан Ли, Хитой WCS, fli@wcs.org

Жонли табиат объектларининг ноқонуний савдоси даражасини қисқартириш мақсадида 2008 й. август ойида Халқаро табиатни муҳофаза қилиш жамияти (WCS) Гуанжоуда Хитой WCS қошида Жанубий-хитой лойиҳасини ташкил этди. Лойиҳа мақсади: барча нолга тенг квоталик СИТЕС I ва II иловаларига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар тури ҳамда кўрикландиган ва Гуандун маҳаллий қонунчилигига мувофиқ, фойдаланишга тақиқланган I Классли бошқа турларнинг ноқонуний савдосини тўхтатиш. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида жиноятларни қисқартириш учун куч агентликларининг салоҳиятини кучайтириш ушбу мақсадга эришиш доирасида энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Сайғоқ (*Saiga tatarica*) Жанубий-хитой лойиҳасининг муҳим тури ҳисобланади. 2009 й. бошлаб лойиҳа, бозорда қузатувлар олиб бориш, оператив маълумот тўплашда ҳукуматга ёрдам бериш ва давлат билан биргаликдаги таълим дастурлари орқали Гуанжоуда

нолегал сайғоқ савдосини қисқартиришга кўмаклашиш бўйича ишлари учун уч марта Сайғоқни сақлаш бўйича альянс кичик грантлар дастурининг ёрдамини олди.



Хитой WCS Жанубий-хитой лойиҳаси волонтерларининг жамоаси

Орнитологлар ҳам сайғоқларни яхши кўради

С.Розенфельд, РФА А.Н.Северцов ном. Экология ва эволюция институти, rozenfeldbro@mail.ru

2012 й. 24-29 март кунлари Элиста (Қалмоғистон) да МСОП/КВВ Халқаро ғозлар бўйича ишчи гуруҳининг 13-чи учрашуви ва Шимолий Евроосиё ғозсимонлари бўйича Россия ишчи гуруҳининг 4-чи учрашуви доирасида кўшма конференция ўтказилди. “Шимолий Евроосиё сузувчи қушлари: география, динамика ва популяцияларни бошқариш” мавзусидаги конференциядан 18 мамлакатдан 140 вакил иштирок этди (<http://onlinereg.ru/Elista2011>, <http://onlinereg.ru/site.php?go=153&page=2819&lang=RUS>)

Конференция доирасида иштирокчилар Қалмоғистоннинг ноёб объекти - сайғоқни ярим эркин шароитда кўриш мумкин бўлган дунёдаги 3та жойнинг бири бўлган ҚР Ёввойи ҳайвонлар марказига таклиф қилинди.



Ю.Арипов сурати

Джеральд Мэйлл, Ремо Пробст ва Соня Розенфельд
Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказида

Конференциядан сўнг, 14 кишидан иборат кичкина гуруҳ, уларга Қалмоғистоннинг бепоён даштлари, қадимий астрахан ўлкаси ва Волга дарёсининг кенг дельтаси билан яқиндан танишишга имкон берган, сайрда катнашди. “Сепной” заказнигида иштирокчилар ҳам излари, ҳам сайғоқларнинг ўзини кўрдилар, шунингдек яхши шайланган инспекторлар командаси браконьеларни тўхтатишга уринаётганини кузата олдилар.

НПО Birdlife Carinthia – Австрия BirdLife регионал бўлинмаси асосан Жанубий Австрия қушларини сақлаш билан шуғулланади. Бироқ улар бугун дунё бўйича фақат қушлар бўйича эмас, балки сут эмизувчилар бўйича ҳам табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга манфаатдор. 17 май куни Австрия BirdLife регионал бўлинмаси директори Ремо Пробст ва вице-президенти Джеральд Мэйлл сайғоқ питомнигини зиёрат қилди. Ушбу саёҳатдан кейин Ремо Пробст «Биз табиатни муҳофаза қилиш бўйича илгор тажриба намунасини ўрганиш учун “Степной” питомниги ва заказнигининг таклифини олгандан хурсанд бўлдик. Сайғоқ ва қушлар каби маҳаллий турларни ва шунингдек ажойиб чўл ландшафтларини кўриш биз учун жуда қизиқарли бўлди. Биз орнитологмиз, бироқ ландшафт ва яшаиш жойлари билан жуда қизиқамиз. Шунингдек биз ЖУДА тез қисқариб бораётган сайғоқни қутқариш учун ишлаётган манфаатдор одамларни кўра олдик. Биз сайғоқни қутқариш фақат турни сақлашни ифодаламаслигини, чўл қушлари ва бошқа ҳайвонлар учун уй бўлган чўл яшаиш жойларининг сақланиши муҳим вазифалигини тушундик. Шунинг учун, биз жорий лойиҳаларни, уларнинг чўл экотизимлари учун ўта муҳим бўлгани сабабли, давом эттириши ва хатто кенгайтиришини қатъий тавсия этамиз!» - деди.

Олтин гагара сайғоқларни фалокатдан ҳимоя қилади

А.Клепалов, Gala-Film студияси, alexman78@list.ru

Одат бўлиб қолган анъанага кўра сибир ёзининг бошида Хант-Мансийск (Россия) бутун экологик тележурналистиканинг сарасини йиғади. “Қутқариш ва сақлаш” Халқаро экологик телевизион фестивали 16-мартга ўтди. Унга 30 давлат вакиллари: узоқ ва яқин хоридан, шунингдек Россиянинг 60 шаҳридан меҳмонлар йиғилди. Улар орасида таниқли теле- ва кинорежиссерлар, журналистлар, экологлар. Улар ҳакамлар ҳайъати муҳокамасига 300га яқин иш тақдим этди, улардан 70га энг яхшиси танлаб олинди. Бу атроф-муҳитнинг муҳофазасига бағишланган экологик текширувлар, ижтимоий ролик ва лойиҳалар. Айнан шулар бош соврин - “Олтин гагара”га давогар бўлди.

Фестиваль табиатни сақлаш муаммоларини тушуниш учун янги туртки беради. Иштирокчилар, атроф-муҳитга нисбатан авайлаш ва жиддий муносабатни тарғибот қилиб, турли муаммолар тўғрисида сўзлайди. Фестиваль муҳити мазмунга бой, ноёб, бу ерда ҳар доим мунозаралар, қизиқарли инсонлар билан учрашишга ўрин бор, фильм ва дастурларни кўриш, мастер-класслар мавжуд.



SCA сурати

Танлов комиссияси аъзоси, Россияда IFAW директори Мария Воронцова фильм оператори Александр Клепаловга нуфузли ҳайкалчани топширмада

Югор ери фестивалнинг ажойиб табиий декорацияси ҳисобланади. Иштирокчилар ушбу совук ўлканинг табиий гўзаллиги уларни кейинги ижодий изланишларга илҳомлантиришини тан олади.

Бу йил “Журналистик тергов” номинациясида фестиваль соврини – олтин гагарани Disney Canada, Marsh Christian Trust ва DVV International молиявий кўмагида Сайғокни сақлаш бўйича альянс буюртмаси билан тошкент Gala-Film студияси томонидан сайғоқлар тўғрисида яратилган “Сўнгги чегара олдида ” фильми олди (SN-14 қар). Ушбу фильм ҳакамлар ҳайъатининг алоҳида эътиборини тортди, чунки Ўзбекистонда сайғоқлар билан рўй бераётган фожиа охирги нуқтаси, “охирги чегараси”га етди. Агарда инсоният аралашмаса, сайғоқлар энг яқин вақтда республикамизда биологик тур сифатида йўқолиб кетади.

Эколог-журналистлар гагарани бахт куши деб атайтиди, биз ҳам гагара сайғокни фалокатдан ўз қаноти билан ҳимоя қилишига ишонамиз.



Александр Клепалов «Олтин гагара» соврини билан

Сайғоқ шохларининг ноқонуний савдосига қарши информацион кампания бошланди

Ж.Аксартова, АСБК, zhanna.aksartova@acbk.kz

РОО Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) жорий йилнинг июнь ойида Қозоғистон шаҳарларини деярли босиб кетган, сайғоқ шохи савдоси тўғрисидаги эълонларга қарши информацион кампания бошлади.

Бу йилнинг феврал ойдан бошлаб ҚР ЖК 290-сон моддасининг “Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлари ва (ёки) уларнинг қисмлари, дериватлари, шунингдек фойдаланишга тақиқланган ўсимлик ва ҳайвонлар ва (ёки) уларнинг қисмлари, дериватлари ёки уларнинг яшаш жойларини ноқонуний олиш, сотиб олиш, сақлаш, сотиш, олиб кириш, олиб чиқиш ва йўқотиш – уч йилгача озодликни чеклаш ёки жазоланган кимса мулкни мусодара қилиш билан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади...” деган янги таҳрири қабул қилинишига қарамай, Қозоғистон шаҳарларида сайғоқ шохларини қувонтирадиган нарҳга сотиш таклиф қилинган эълонлар тез-тез учрамоқда.

Ушбу кампания мақсади – сайғоқ шохларини сотиш ва сотиб олиш тўғрисидаги эълонларнинг тарқатилишига тўсқинлик қилиш, одамларнинг шу каби эълонларга жавоб бериб, браконьерликни рағбатлантирувчи олиб сотарларга ёрдам бериши учун жавобгарлиги тўғрисида маҳаллий аҳолини хабардор қилиш. АСБК кампанияда иштирок этишга жамоатчилик эътиборини қаратишни ва маҳаллий аҳоли - шох сотувчилари ва сотиб олувчиларига – қилаётган ҳаракатларининг ўзлари учун ҳам, табиат учун ҳам хавфлилиги ҳақида огохлантиришни хоҳлайди;

АСБК бу ижтимоий фикрнинг шаклланишига, ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун бузилишини тўхтатиш ва ушбу қонун бузилиши ва табиатга етказиладиган зарар учун қатъий чоралар тўғрисида билмаган барчани огохлантиришга ёрдам беришига ишонади.

Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ва унга қўшилган барчага қуйидагилар таклиф этилади:

- Жамоат жойлари (бекатлар, столбалар, магазинлар) да сайғоқ шохларини сотиш/сотиб олишни таклиф қилаётган эълонлар топилганда, уларнинг устидан ҚР ЖК шохларни нолегал сотиш/сотиб олиш ва унинг оқибатлари тўғрисидаги 290-сон моддадан кўчирма ёзилган наклеяларни ёпиштириш.
- Эълонларда кўрсатилган номерга sms-хабарлар жўнатиш орқали сотиб олувчи/сотувчиларни қонуннинг бузилиши тўғрисида огохлантириш. Тавсия этилган хабар матнини acbk@acbk.kz манзилига ёзиб, ёки Facebook (<https://www.facebook.com/groups/443937775636114/>) ва Вконтакте (<http://vk.com/event39122337>) ижтимоий тармоқларининг саҳифаларидан барча хоҳловчилар олиши мумкин.

Қаерда ва қандай қилиб стикерлар олиш мумкинлиги тўғрисида АСБК www.acbk.kz сайтида билишингиз мумкин.

АСБК барча манфаатдор шахсларнинг ёрдамига ишонади!



Матбуотдан

Қозоғистон-Ўзбекистон чегарасида тўсиқ қурилиши

2011 й. кузидан бошлаб бугунги кунгача Қозоғистон Ўзбекистоннинг ғарбий чегарасидан шарққа 100 километрдан ортиқ тўсиқ ўрнатди. Чегаранинг шимолий-ғарбий бурчагидан жанубий йўналишда яна битта 50 километрли майдон тўсилди. Ердан 180 см баландликка тортилган саккиз қатор тикан сим, тўсиқдан фақат сайғоқларни эмас, балки майда хайвонларнинг ўтишига ҳам имкон қолдирмайди.

Батафсилроқ

http://www.uznews.net/news_single.php?lng=ru&sub=hot&cid=4&nid=19639 да.



Uznews сурати

Устиюрт платоси Қозоғистон ва Ўзбекистон чегарасида тикансим

Қизилўрдада сайғоқ шохларининг сотиб олиншини йўқотиш бўйича тадбирлар

Қизилўрда полициячилари область ҳудудида сайғоқ шохларини сотиб олиш жойларини йўқотиш бўйича фаол тезкор ҳаракатлар олиб бормоқда. Олибсотарлар шох сотиб олиши тўғрисидаги эълонларни барча мумкин бўлган усуллар билан тарқатади. Олибсотарни телефон рақамидан кузатиб, тезкор тадбир ўтказиб, шохларни қабул қилиш вақтида қўлга тушириб жазоласа бўлади. Шохларни ташиб ўтувчи одамни жавобгарликка тортиш қийин. Область табиатни муҳофаза қилиш полициясининг маълумотларига кўра, сайғоқ шохлари трафики қуйидаги кўринишда бўлади. Қозоғистонда сотиб олинган хайвон шохлари нолегал Хитойга олиб ўтилади. Бошқа йўл – шохларни Россия–Хитой чегараси орқали Приморье ва Узоқ Шарққа ташиб ўтиш, бу ерда уларнинг нархи баландроқ – 20 минг россия рублигача (Қозоғистонда миграция вақтида ўлган сайғоқлар “эски” шохининг донаси 2-3 минг танга, янги, браконьерлик йўли билан олинганлари кимматроқ туради).

Батафсилроқ <http://www.zakon.kz/kazakhstan/4476050-policiejskie-kyzylordy-objavili-vojnju.html> да.

Сувлоқлар яратилиши Қозоғистонда сайғоқ сонини кўпайтиришга ёрдам беради

2010 йилдан бери Қозоғистонда “Казахмис” компаниясининг молиявий кўмагида “Коргалжин кўриқхонасининг ғарбий қисмида суғориш тўғонларини тиклаш” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Икки йил ичида Теренсай, Тобилгисай ва Акбокен тўғонлари тикланди. Лойиҳа иштирокчиларининг фикрича, сайғоқлар айнан ичимлик сувини излаб, кўриқхона ташқарисидан узокқа, уларни қуролланган браконьерлар кутадиған, кўриқланмайдиган ҳудудларга чиқишга мажбур бўлади. Эски бузилган тўғонларни тиклаш йўли билан сувлоқларнинг яратилиши миграцияни анча қисқартирди. Ушбу чоралар шунингдек Тениз кўлида сузувчи қушлар сонининг кўпайишига олиб келди. Кўриқхона ҳудудидаги қузатувлар ҳозирги вақтда 8 тўғонни тиклаш зарурлигини кўрсатди. *Батафсил* http://locman.kz/newonly.php?ID=29524#.T_3C15Ey2M8 да.

Сайғоқларни химоя қилиш учун электр тўсиқ

ҚР Ёввойи хайвонлар марказининг Яшқўл питомнигида сайғоқларни йиртқичлардан қўшимча химоя қилиш учун электр тўсиқ ўрнатиш бўйича ишлар якунига етказилди. Электртармоқ вольернинг бутун периметри бўйича тўрт қаторда ўрнатилган. Тўсиқни ўрнатишда питомник ходимларига волонтерлар, хусусан, Қалмиқ давлат университети аграр факультетининг талабалари ёрдам берди. Тўсиқ куёш батареясида таъминланади ва сайғоқларни вольерга йиртқичлар киришидан самарали химоя қилади. Йиртқич хайвон электр тоқдан енгил зарба олади ва тўсиқ ёнидан кетади. Ток зарбаси хайвонлар учун хавфли эмас ва уларда тўсиққа яқинлашмаслик турғун рефлексини ишлаб чиқади. Иш Россия WWF, ПРООН/ГЭФ/РФ Табиат вазирлигининг Чўл лойиҳаси ва Элиста ш. тадбиркор О.Обгенованинг кўмагида бажарилди. *Батафсилроқ*

<http://www.unmultimedia.org/radio/russian/archives/117703/>



Н.Арипова сурати

Электр тўсиқ сайғоқлар вольери периметри бўйлаб ўрнатилган

IFAW Россияда сайғокни сақлашга ёрдам беради

Халқаро ҳайвонлар ҳимояси фонди (IFAW) 2012 йилда ноёб антилопалар тури - Россия жанубидаги чўллар сайғоғини сақлашга бир миллионга яқин рубль ажратади. Пуллар Астрахань «Степной» заказнигининг оператив эҳтиёжлари ва яримэркин шароитларда сайғокни кўпайтириш билан шуғулланадиган Қалмоғистон Ёввойи ҳайвонлар марказининг озукасига ажратилади.

Ҳозирги вақтда Россияда сайғоклар фақат Астрахань области ва Қалмоғистон чўлларида яшайди. Охириги ҳисобга олишларга кўра, бу туёқлиларнинг сони 12 минг зотдан ошмайди. Ҳақиқатда эса, IFAW экспертларининг баҳосига кўра, Россия чўлларида сайғоклар кўпи билан етти минг зот қолган. *Батафсилроқ* http://www.elista.org/index.php?option=com_content&view=article&id=14400:2012-06-15-05-46-47&catid=1, <http://eco.ria.ru/nature/20120615/673645518.html> да.

IFAW вакили Елена Жаркованинг Астрахань областидаги «Степной» заказниги ва Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази «Яшқўл» питомнигига таширифидан олган таассуротларини IFAW сайтида топиш мумкин <http://www.ifaw.org/united-states/news/watch-true-happiness-steppe-meeting-saiga-antelope>.

Шунингдек хоҳловчилар яқинда Астрахань областидаги «Степной» заказнигига борган блогер ва фотосуратчи Евгений Полонскийнинг фотоҳисоботи билан <http://e-polonskiy.livejournal.com/63311.html> сайтда батафсилроқ танишишлари мумкин

Браконьерлик ва ноқонуний савдонинг олдини олиш ҳоллари

Қозоғистон

2012 й. 6 январь

Бетнақдала популяцияси: Иргиз районининг Жайсанбай аулидан 80 километрда Иргиз ТИИБ ходимлари Қизилўрда области яшовчиси томонидан бошқарилаётган, салонда рўйхатга олинмаган кўшоғиз милтиқ патронлари билан бўлган «Тойота Ланд Крузер» машинасини ушлади. Автомашина ўтган йўлда полициячилар шохи арраланган 5 сайғок жасадини топди. Зарар бир ярим миллион тенгедан ошди.

Батафсилроқ <http://www.avestnik.kz/?p=16078> да.

2012 й. 28 январь

Бетнақдала популяцияси: Ақтобе шаҳрида тезкор-кидирув ишлари ўтказилганда полициячилар, машинасида 12 сайғок шохи топилган ва мусодара қилинган, шаҳарликни ушлади. Қўлга олинган 2011 йил август ойдан шох сотиб олиш билан шуғулланишини, бунинг учун шаҳар ва яқин районларда чекланмаган миқдорда сайғок шохини сотиб олиши тўғрисида эълонлар осиб қўйганлигини тушунтирди. 1 жуфт шох учун 12 минг тенге таклиф қилинган. Шу йўл билан йиғилган шохларни эркак ўз танишига 1 килограммини

60 минг тенгедан пуллаган. Қўлга олинган ўз ихтиёри билан сўнгги 2 ойда тўпланган, турар жойида сақлаган 102 сайғок шохини берди. Ушбу факт бўйича ҚР ЖК 190, 183 моддалари бўйича жиноий иш қўзғатиш масаласи хал қилинмоқда, экспертиза тайинланган.

Батафсилроқ <http://inform.kz/rus/article/2438108> да.

2012 й. 6 февраль

Халқаро ҳолат: Атирау области Курмангази райони «Курмангази» чегара назорат-ўтказиш пунктида сайғок шохининг йирик партияси қўлга олинган. Алмати областининг икки аҳолиси Қозоғистон ҳудудига 170 сайғок шохини олиб ўтишга уринган. Контрабандачилар сўзига кўра, сайғок шохини улар Астраханда сотиб олишган, Шимкентда эса сотмоқчи бўлишган. Контрабанда факти бўйича 183 модда «Жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкни ноқонуний сотиб олиш» бўйича жиноий ишлар қўзғатилган, тергов олиб борилмоқда. Барча қўлга олинганлар кетиб қолмаслик тўғрисида тилхат берган.

Батафсилроқ <http://inform.kz/rus/article/2438956>, <http://www.zakon.kz/kazakhstan/4472483-v-atyrau-nezakonno-pytalis-sbyt-8.html> да.

2012 й. 10 март

Бетнақдала популяцияси: "Охотзоопром" инспекторлари Жалағаш ТИИБ ходимлари билан биргаликда тўртта Қизилўрда аҳолиси бўлган машинани ушлади. Автомобил багажнигида полициячилар ов милтиқ ва патронлари, шунингдек ҳайвонларнинг қон ва жун изларини топган. Машина изларидан бориб, улар қувғин вақтида ташлаб кетилган учта сайғок жасадини топган. Қўлга олинганларга нисбатан ноқонуний ов учун жиноий иш қўзғатилган. *Батафсилроқ* <http://tengrinews.kz/crime/209828/> да.

2012 й. 19 март

Халқаро ҳолат: Алмати области УБОП ДВД ва ОБДП ДВД ходимлари Капшагай яқинида жойлашган «Или» чегара постида сайғок шохларининг жуда катта партияси, ондатра териси ва баймур (*Fritillaria pallidiflora* Schrenk) илдизини олиб ўтишга уринган Шарқий-Қозоғистон области Сари Терек пос. яшовчисини қўлга олган. Жами полициячилар томонидан 4704 сайғок шохи солинган 49 коробка; 10608 ондатра териси солинган 26 тугун ва 3 қоп «баймур» илдизи мусодара қилинган. Ушбу факт бўйича материаллар Алмати области ДВДга топширилган. Полиция томонидан олибсотар ва сотувчиларни аниқлаш бўйича тезкор чоралар кўрилмоқда. Мусодара қилинган шох, тери ва илдизларни қўлга олинган шахс кейинчалик ХХРга сотиш учун Зайсан ш. олиб ўтмоқчи бўлган.

2012 й. 20 март

Халқаро ҳолат: «Курмангази» чегара постида профилактик чоралар ўтказиш борасида, яна Алмати ш. яшовчиси олиб ўтишга уринган сайғок шохларининг йирик партияси (178 дона) топилган ва мусодара қилинган. Материаллар ва ашёвий далиллар Курмангази ТИИБга юборилган. Дастлаб тергов ўтказилмоқда, экспертиза тайинланган.

Батафсилроқ <http://www.zakon.kz/kazakhstan/4481427-krupnejshaja-partija-rogov-sajjgi-i.html> да.

2012 й. 27 май

Бетпақдала популяцияси: Актюбинск области Ирғиз райони Қуланши деган жойда, Ирғиз поселкасидан 45 километрда, шу ерда яшовчи томонидан бошқарилаётган, салоида сайғоқ жасади ва иккита шохи топилган ва мусодара қилинган «УАЗ» автомашинаси қўлга олинган. Ушбу факт бўйича ҚР ЖК 288 «Ноқонуний ов» моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган, гумондорлар - кетиб қолмаслик тўғрисида тилхат берган. Жонли табиатга етказилган зарар, тахминан 323 минг тенгени ташкил қилди. **Батафсилроқ** <http://inform.kz/rus/article/2467509> да.

2012 й. 5 июнь

Бетпақдала популяцияси: Айтекебий райони Қирикқудик кишлоғидан 12 километрда Актюбинск области Айтекебий райони «Охотзоопром» инспекторлари шохлари арраланган 60дан ортиқ сайғоқ жасадини топди. Кейинроқ ДВД криминал полиция ходимлари «Арлан» махсус бўлинмаси билан биргаликда ушбу жиноятга алоқадорлиги тўлиқ исботланган Қизилўрда области яшовчилари қўлга олинди. Арраланган шохларни топиш бўйича тезкор чоралар ўтказилмоқда. «Ноқонуний ов» моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган. Давлатга етказилган зарар, 20 миллион 144 минг тенгега баҳоланган.

Батафсилроқ <http://rus.azattyk.org/content/saiga-otstrel-roga-aktobe/24614906.html> ва <http://today.kz/ru/news/incident/2012-06-15/67726> да.

2012 й. 15 июнь

Бетпақдала популяцияси: Тезкор-қидирув чоралар борасида табиатни сақлаш полицияси ходимлари томонидан «Охотзоопром» ишчилари билан биргаликда Караганда области Улитау районида Терсаккан қ. яшовчиси бошқараётган, салоида нимталанган сайғоқ жасади бўлган «УАЗ» автомашинаси қўлга олинган. Ҳозирги вақтда факт ҚР ЖК 288 моддаси (Ноқонуний ов) бўйича рўйхатга олинган.

Батафсилроқ <http://www.zakon.kz/kazakhstan/4497187-dvukh-brakonerov-s-tusheji-sajigaka.html> да.

2012 й. 18 июнь

Урал популяцияси: Тезкор чоралар ўтказиш вақтида Ғарбий-Қозоғистон области Ақоба кишлоғида ҚР ҚХВ ЎОХҚ ҳудудий инспекцияси ва РГКП «ПО Охотзоопром» ходимлари томонидан 12 жуфт сайғоқ шохи ва ов милтиғи топилган. Ноқонуний ов факти бўйича жиноий иш қўзғатилган. Ҳозирги вақтда тергов чоралари ўтказилмоқда.

Батафсилроқ http://www.kazakh-zerno.kz/index.php?option=com_content&view=article&id=59443:-12-&catid=14&Itemid=108 да.

2012 й. 7 июль

Бетпақдала популяцияси: Сайғоқни ноқонуний овлаш факти Ирғиз районида аниқланган – Ақтобелик йўловчи бўлган Ирғиз қ. яшовчи томонидан бошқарилган машинани кўриқдан ўтказишда, полиция участка инспекторлари ва ДВД табиатни сақлаш полицияси ходимлари сайғоқ жасади, 5 жуфт шох ва милтиқ топган ва мусодара қилган.

2012 й. 9 июль

Бетпақдала популяцияси: Актюбинск области ДВД криминал полиция ходимлари машинасида

5 сайғоқ жасади ва иккита милтиқ топилган ва мусодара қилинган Ақтобе шаҳри яшовчиси ва иккита Қарабутақ поселкаси яшовчиларини қўлга олган. Қўлга олинганлар сайғоқни ноқонуний отиш факти бўйича айбига иқроор бўлиб, кўрсатма берди.

Иккала факт бўйича зарар суммаси аниқланмоқда, ҚР ЖК 288 моддаси (Ноқонуний ов) бўйича жиноий иш қўзғатилган, гумондорлар кетиб қолмаслик тўғрисида тилхат берган.

Батафсилроқ <http://kt.kz/?lang=rus&uin=1133168098&chapter=1153557197>.

Сурат Е. Полосский томонидан Астрахан обл. (Россия) қилинган



Россия ва Қозоғистонда: «Эски сайғоқ шохларини сотиб оламан» каби эълонлар оддий ҳол бўлиб қолди

Ўзбекистон

2012 й. 23 февраль

Устюрт популяцияси: Қорақалпоғистон Қўнғирот районининг темир йўл станциясида Махсус Амударё инспекцияси ходимлари Қорақалпоғистон божхона хизмати билан биргаликда Ўзбекистонда яшовчи шахсни 302 сайғоқ шохини олиб ўтишга уринаётганда қўлга олди. Шохлар мусодара қилинган, тергов олиб борилмоқда.

Хитой

2012 й. 30 март

Урумчи божхонасининг хабарига кўра, Олтой божхона постида сайғоқ шохлари бўлиб чиққан, хайвонларга оид контрабанда махсулоти фош қилинган. Жиминай портида текширув вақтида автобуснинг юк бўлимида божхоначилар, унда умумий оғирлиги 163 кг 876 сайғоқ шохи бўлган, бензин идишига ўхшаш контейнер топилган. Иш контрабандага қарши курашиш бўлимига юборилган. **Батафсилроқ**

<http://www.chinanews.com/fz/2012/04-01/3793429.shtml> да.



ChinaNews.com сурати

Хитой божхонасида қўлга олинган шохлар

Мўғулистонда сайғоқ болаларининг яшовчанлиги ва жой экологияси

Б.Бувейбатар^{1,2*}, Т.К.Фуллер¹, А.Е.Файн²

1 – АҚШ, Массачусетс университети, Табиат муҳофазаси бўлими;

2 – Мўғулистон (WCS), Mongolia, Мўғулистон дастури, Табиат муҳофазаси жамияти

Муаллиф-мухбир: Б.Бувейбатар, buuveibaatar@gmail.com

Мўғул сайғоғи (*Saiga mongolica*) [yуpу систематикасининг муҳокамасини шу сондаги Д.Мэллон мақоласида қар., мухб.эсл.] ғарбий Мўғулистоннинг яримчўл экотизимларида яшайди. Унинг сони 5,000-7,000 зотни ташкил қилади. Сўнгги йилларда Мўғулистонда сайғоқ тарқалиши ва унинг сони ошиб бормоқда, эҳтимол, областда қонулар бажарилиши кучайтирилганлиги туфайли. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган мўғул сайғоғининг учта суб-популяцияси олдинги ареалнинг атиги 20% эгаллайди. Қўриқланадиган табиат ҳудудлари ёввойи тур ва уларнинг яшаш жойини сақлашнинг энг оддий ва самарали шакли ҳисобланади. Ҳозирда қўриқланадиган сайғоқ ареалининг 30%, уларда сайғоқ яшаш жойини самарали қўриқлаш имкони бўлиши учун АҚТХ сонини кенгайтириш ва кўпайтиришга муҳтож. Шарга заповеднигида сайғоқнинг яшовчанлиги ва кўчиши бўйича кўплаб маълумот тўпланганлигига қарамадан, қўриқланадиган ҳудуддан ташқарида сайғоқ экологияси тўғрисида деярли ҳеч нарса маълум эмас. Сайғоқ болаларининг яшовчанлигига заповедник ижобий таъсири бор-йўқлигини аниқлаш учун, биз Шарга заповеднигининг 3,088 км² участкасида ва АҚТХдан ташқаридаги, шимол-шарққа 40 км да, аввал қўзилаш райони деб белгиланган участкада, янги туғилган сайғоқларни тутиб, бўйинбоғ тақишни таклиф қилдик. 2012 й. 11 дан 21 июнғача


биз Хуйсин Гобида 10 эркак ва 10 урғочи, Шаргин Гобида 8 эркак ва 12 урғочини тутиб, бўйинбоғ такдик (1-расм). Икки участкада белгиланган сайғоқлар орасида 24 ёлғиз ва 16 эгизак бор эди. Барча белгиланган сайғоқчаларнинг ўртача оғирлиги 2.43 ± 0.39 кг (n=40) ташкил қилди, Шаргин ва Хуйсин Гоби сайғоқчалари ўртасида тана оғирлиги бўйича аниқ фарқлар топилмади (t=0.03, p=0.48). Шаргин Гобида энг кўп кузатилган йиртқич оддий тулки бўлди (*Vulpes vulpes*), Хуйсин Гобида эса бу қорсақ бўлди (*Vulpes corsac*). Шаргин Гобида тутиш даврида учта белгиланган сайғоқча тулки ва йиртқич қуш томонидан ўлдирилган, Хуйсин Гобида эса иккита сайғоқча номаълум йиртқич ва касал туфайли нобуд бўлган. болезни.

Ҳозирги вақтда икки участкада белгиланган ҳайвонларнинг яшовчанлиги ва кўчишини ўрганиш мақсадида уларнинг мониторинги давом этмоқда. Бу усул бизга АҚТХ ва унинг ташқарисида кўчиш, ўзини тутиш, яшаш жойидан фойдаланиш билан боғлиқ экология ва бошқарув масалаларини пухта ўрганиш имконини беради. Ушбу иш Миллий географик жамият кўмағида бажарилган.



Б.Бувейбатар сурати

Шарга, Ғарбий Мўғулистон қўриқхонасида радио-бўйинбоғ билан белгилан сайғоқча



1-расм. Ғарбий Мўғулистонда тадқиқот райони

Каспий олди регионида сайғоқнинг яшаш жойларидан фойдаланишни баҳолаш учун маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторингни қўллаш

Г.Эллиот ¹, Ю.Н.Арилов ², А.В.Хлуднев ³, Э.Дж.Милнер-Гулланд ¹

1- Лондон Империял коллежи, 2 – Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази, 3 - Степной заказниги

Муаллиф-мухбир: Грэм Эллиот, graham.elliott10@imperial.ac.uk

Маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторинг усулини қўллаш натижасида олинган маълумотлар, Каспий олди регионида замонавий сайғоқ ареалини аниқлашга ёрдам берди. Мақсади қиш-баҳор мавсумида тур тарқалишини ўрганиш ва ҳудудга оид тақсимланиш шароитларини аниқлашдан иборат бўлган лойиҳа, Раффорд ва Мухаммад бин Зиед фондлари кўмағида бажарилган. Бу масалаларнинг ўрганилиши сайғоқни сақлаш учун жуда муҳим, чунки турнинг мавсумий тақсимланиши етарлича ўрганилмаган, айниқса қиш мавсумида ва АҚТХ ташқарисида.


Ушбу тадқиқотларнинг бажарилиши 2008 й. Юрий Арилов раҳбарлигида Лондон Империял коллежи вакиллари билан ҳамкорликда BRIDGE Британия Кенгаши дастурининг молиявий кўмағида бажарилган, ва кўчиб юривчи турларни ўрганиш ва сақлаш учун маҳаллий аҳоли билими ва иштирокидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатган пилот лойиҳасининг мантикий давоми бўлди. Сайғоқ тарқалишини ўрганиш ва тақсимланиш шароитларини аниқлаш учун 25 кузатувчи томонидан 2010 й. октябр ўртасидан 2011 й. июнгача «Степной» заказниги ва «Черные Земли» Биосфера қўриқхонасидан шимолга ва жанубга томон жойлашган районларда, маҳаллий аҳоли иштирокида ўтказилган мониторинг маълумотларидан фойдаланилган; битта кузатувчи АҚТХ орасидаги ҳудудда бўлган (1-расм). Жами 309 сайғоқ гуруҳи кузатилган,

улардан 173 - қишда (октябрь-февраль), 136 баҳор мавсумида (март-июнь). Баҳорги гуруҳларнинг ўртача ўлчами (107,7) қишки гуруҳлардан (49,8) каттароқ. Энг йирик гуруҳлар февраль-апрелда кузатилган. Йил давомида ўрганилаётган ҳудудда нисбатан бир текис тақсимланиш 25 кузатувчидан 24 таси билан кузатилган. АҚТХ ташқарисида сайғоқлар тақсимланиши бўйича олинган маълумотларни солиштириш учун кузатувчилардан олинган маълумотлар 2 гуруҳга бўлинди: битта гуруҳ ўз ичига АҚТХдан шимолда яшайдиган кузатувчиларни олган, иккинчиси эса - жанубда (АҚТХ орасидаги ҳудудда жойлашган кузатувчидан олинган маълумотлар таҳлилдан чиқариб ташланган). Сайғоқ бўйича энг кўп маълумот шимолга нисбатан (109) жанубда (175) тўпланган. Бундан ташқари, «жанубий» гуруҳнинг ўртача ўлчами ҳам (113,6) «шимолӣ»га нисбатан (20,5) баландроқ. Айрим кузатиш участкалари бир бирининг устига тушганлиги туфайли, қўшни кузатувчилар томонидан икки марта ҳисобга олиниш эҳтимоли ҳам мавжуд. Шунинг учун олинган маълумотлар ўрганилаётган участкада популяция соннинг эмас, балки фақат нисбий сайғоқ зичлигининг кўрсаткичидир.

Олинган маълумотлар ArcGISда қиш ва баҳор мавсумида сайғоқлар тақсимланишини харитага киритиш ва сайғоқ томонидан у ёки бу жойлардан фойдаланишдаги айрим турғунликни акс эттирувчи моделни ишлаб чиқиш учун ишлатилган (Махент

дастурида). Бу модель сайғоқлар тақсимланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун ишлатилган. Ушбу модель кўрсатганидек, сайғоқлар тақсимланиши баҳордан қишгача принципиал тарзда ўзгармайди, шунингдек ишлатилган модель ўрганилаётган даврда сайғоқларнинг сув манбалари ва АҚТХга яқин бўлиши эҳтимоли ортишини кўрсатишга имкон берди. Сайғоқлар тақсимланиш омили сифатида, қўрикланаётган ҳудудгача масофанинг муҳимлиги ҳам ижобий, ҳам салбий контекстга эга. Бу «Степной» заказниги ва «Черные земли» қўриқхонаси ҳудудга оид сайғоқни сақлаш бўйича ўз вазифаларини бажаришини билдиради. Бироқ, сайғоқлар кўпроқ эҳтимолик билан қўрикланадиган ҳудуд атрофида кузатилиш факти, браконьерликнинг мавжуд даражаси ушбу район учун муаммо бўлиб қолишда давом этишини исботлайди.

Ушбу тадқиқот натижаларига асосланиб, маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторинг сайғоқ тақсимланиши ва кўчишда ўзини тутиши бўйича билимларимизни яхшилаш учун яхши имкониятга эга дейиш мумкин. Бу маълумотлар тарқалиш тенденцияларини аниқлаш мақсадида кейинги солиштирма мониторинг учун ҳисоб боши бўлиб хизмат қилиши мумкин.



1-расм. Кузатувчилар локализацияси.

Рақамлар кузатувчилар маълумотида кўра сайғоқлар гуруҳининг сонини кўрсатади. «Черные Земли» қўриқхонаси (Фарбда) ва «Степной» заказнигининг (Шарқда) чегаралари ингичка қора чизик билан кўрсатилган.

Устюрт платосида табиатни сақлаш бўйича маълумот бериш ишларини баҳолаш

П.Дамерелл¹, Е.А.Бикова², Е. J Milner-Gulland³

1 - Пекин ўрмон хўжалиги университети; 2 - Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институти, Ўзбекистон;
3 - Лондон Империял коллежи

Муаллиф-мухбир: Питер Дамерелл, Peterdamerell@hotmail.co.uk

Устюрт платосида сайғоқ сонининг қисқариши давом этмоқда. Популяция турғунлашиши ва унинг турғун ҳолатгача тикланиши, натижада, маҳаллий аҳолининг бу турнинг яшовчанлигига ёрдам берадиган ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватлашига ва браконьерлик тақдим этаётган имкониятлардан воз кечишга тайёрлигига боғлиқ бўлади. Натижада, аҳоли орасида маърифат ишлари бўйича ташаббуслар табиатни сақлаш бўйича мутахассислар томонидан ишлатилиши учун мантқиқий асбоб бўлади. Бирок, таълим дастурларининг таъсирини танқидий баҳоламасдан, бирор бир якуний хулосалар қилиш мумкин эмас. Табиатни сақлаш бўйича чораларнинг амалий таъсир бериши ва самардорлигини исботлаш қобилияти, уларни молиялаштириш жуда чекланганлигини ҳисобга олганда, жуда муҳим.

Ўзбекистонда Устюрт платосида болаларнинг экология ва сайғоқлар ҳимояси тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган маърифий дастурлар 2006 йилдан бошлаб амалга оширилади. Ҳозир Жаслик ва Қорақалпоқ поселкаларида маҳаллий мактаблар билан ҳамкорликда бу схема бўйича дастур сифатида ўтказилаётганига 6-чи йил кетди, шунингдек уни Кубла-Устюрт посёлкасида ўтказиш режалаштирилмоқда. Мактаб синфларида ўтказиладиган сайғоқ ҳимояси бўйича тадбирлар болалар бу тур ҳақида барча билганларини тақдим этадиган, сахна кўринишлари кўядиган, ҳикоялар тинглаб, сайғоқ ҳимояси бўйича ўз ишлари учун мукофот оладиган байрам - Сайғоқ кунини ўтказиш билан яқунланади (Сайғоқ куни тўғрисидаги мақолани юқорида кўринг). Маҳаллий тадбиркорлар, сиёсатчилар ва сони ортиб бораётган ота-оналар ҳам Сайғоқ кунини иштирок этади.

2011 йилда Ўзбекистонда ўтказилган байрамда, умумий ҳисобда 845 ўқувчи ва тахминан 250 ота-она иштирок этди.


Биз сайғоқ бўйича маърифат ишлари олиб борилган мактабларга борадиган болаларнинг (Жаслик п. ва Қорақалпоқ п. икки мактаби) билимини сайғоқ бўйича маърифат дастури билан қамраб олинмаган болаларнинг (Кубла-Устюрт) билими билан солиштириб, Устюрт платосининг ўзбек қисмида амалга оширилаётган атроф муҳит муҳофазаси бўйича таълим дастурининг самардорлигини таҳлил қилдик. Биз шунингдек сайғоқни сақлаш масалаларига ота-оналар муносабатини ҳам баҳоладик.

Маърифий тадбирларда қатнашган болалар сайғоқ ва уни ҳимоялаш масалаларида кенгрок билимга эга экан, айниқса агар улар маърифий ишларда камида икки йил иштирок этган бўлса. Сайғоқ ҳимояси масалалари бўйича билимини баҳолаш учун, биз болалардан уларга хавф солувчи энг

жиддий хавф-хатарларни айтишни сўрадик. Мактабларда сайғоқ ҳимояси бўйича дарслар ўтказиладиган поселкаларда, ўқувчиларнинг ярмидан кўпи инсон фаолиятини энг жиддий хавф-хатар деб айтди; бундан фарқли равишда, маърифий ишлар олиб борилмаган поселкадаги 70% респондент табиий сабаблар ҳал қилувчи омил бўлади деб ҳисобларкан.

Маърифий тадбирлар ҳамма ерда яхши қабул қилинди - 100% сўралган болалар сайғоқ тўғрисидаги дарслар уларга завқ бағишлашини айтди. Бу иш бир вақтнинг ўзиде ҳам завқли бўлди, ҳам билим берди деган болалар, уни оддий эрмак сифатида таърифлаган болаларга нисбатан билимлари учун юқорирак баҳо олди. Маърифий ишни бир вақтнинг ўзиде ҳам завқли, ҳам билим берадиган деб ҳисоблаган ўқувчилар, шунингдек кўпроқ инсон фаолиятини сайғоқлар учун энг жиддий хавф-хатар деб тан олишга мойилрок.

Савол-жавоб ўтказилган аҳоли яшайдиган пунктларда, катталар, умуман олганда, сайғоқлар ва уларни ҳимоялаш масалаларига жуда ижобий муносабатда. Барча респондентлар «сайғоқлар ҳимояси муҳим бўлмаган вазифа ҳисобланади» деган фикрга ё қўшилмади, ёки қатъиян қўшилмади, 88% катталар эса сайғоқлар бутунлай йўқолиб кетса «жуда ёмон бўлишига» тўлиқ қўшилди (қолган респондентлар бу ёмон бўлишига қўшилди). Умуман олганда муносабат ижобий бўлган вақтда, кўп катталар поселкасининг бошқа яшовчиларида бўлган салбий муносабат тўғрисида гапирди. Бирок, бошқа инсонларнинг нуқтаи назарининг бундай қабул қилиниши «Сайғоқ куни»да иштирок этган ва иштирок этмаганларда жуда каттик фарқланди.



1-расм. Турли поселкаларда болаларнинг сайғоқ учун энг жиддий хавф-хатарларни қабул қилиши

Сайғоқ кунда қатнашмаган деярли 50% катталар, улар яшайдиган пункт аҳолиси сайғоқ овига рухсат берилган деб ҳисоблайди; бу байрамда қатнашганлар орасида бу рақам кескин 0% гача камаяди. Ота-оналардан уларнинг ҳамқишлоқлари сайғоқ гўштини ейиш – ёмон деб ҳисоблайдими деб сўраганда, Сайғоқ кунда қатнашмаган 10% га нисбатан, қатнашган 65% ота-она бунга қўшилди. Икки гуруҳ жавобларида «Сайғоқни ҳимоялаш муҳимлиги тўғрисидаги масалага мен бошқа ҳамқишлоқларим каби муносабатдаман» деган фикрда фарқ кузатилмаганлигини таъкидлаш кизик. Сайғоқ кунда қатнашиш бошқалардан фаркли нуқтаи назарга эга катталарнинг муносабатини ўзгартирмаган бўлса ҳам, у уларнинг жамиятининг бошқа аъзолари сайғоқни сақлашга янада ижобий муносабатда деб ўйлай бошлашига олиб келди. Бунинг натижасида, Сайғоқ кунда қатнашиш унинг катта иштирокчиларига, биз кузатган, жамиятда тарқалган ижобий муносабатни аниқроқ акс эттирадиган ижтимоий меъёрларни тақдим этган бўлиб чиқди. Одамлар, эҳтимол, Сайғоқ кунда қатнашмагунча ҳамқишлоқлари сайғоқдан фойдаланишга қанчалик қарши эканлигини англамас. Бу ўта муҳим натижа, чунки одамларнинг бошқалар йўл қўйилган деб ҳисоблайдиган хатти-ҳаракатни қабул қилиши, алоҳида инсоннинг хатти-ҳаракатига кучли таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадқиқот Устюрт платосининг ўзбек қисмида ўтказилаётган маърифий иш болаларнинг сайғоқ тўғрисидаги экологик билимини кенгайтириш ва уларнинг ҳайвонлар популяцияси сонининг камайишида одам ўйнайдиган ролини тушунишга имкон беришини тахмин қилади. Бундан ташқари, шу маърифий дастурнинг ўзи уни амалга оширишга жалб қилинган




А.Есапов сурати

Питер Дамерелл ва унинг ассистенти Жамшид Абатов Кубла-Устюрт п.ўқувчисини сўровляпти


катталарга, аҳолининг барча қатламларида сайғоқдан фойдаланишга салбий муносабат тарқалганини англашга ёрдам беради. Бу ўта ижобий натижа ва қишлоқ болаларига ҳамда Ўзбекистон аҳолисининг кенгрок қатламларига таълим бериш соҳасида ишлайдиганлар мамнуният хис қилишлари керак, чунки уларнинг иши муҳим натижаларга эга.

Маърифий тадбирлар бутун регионга тарқалиб, ривожланган сари, таълим берувчи дастурларга болаларни такроран жалб этилиши ва барча болаларни ҳам кўнгил очар бўлган, ҳам кучли маърифий компонентга эга бўлган тадбирларда қатнашишини таъминлашга уринган ҳолда, болаларга таълим беришни максимал кенгайтириш мумкин. Сайғоқ кунининг ролини катталарнинг кенг иштирокидаги умумпоселка ҳодисаси миқёсигача кенгайтириш, аҳолига сайғоқни сақлашга нисбатан уларнинг ҳис-гуйғулари қанчалик умумийлигини яхшироқ англашга имкон беради.

Одамлар сайғоқ гўштини ейиш - бу ёмон деб ўйлайди



Поселкадаги одамлар сайғоқ овига рухсат берилган деб ўйлайди



2-расм. Сайғоқнинг ноқонуний эксплуатацияси хусусидаги турли фикрларга қўшилган катталар миқдорининг нисбатидаги фарқлар.

Қавс ичида Сайғоқ кунда иштирок этгани, иштирок этмаганини кўрсатган ва ҳеч қандай жавоб бермаган респондентлар сони кўрсатилган. Қизил ранг билан ушбу фикрларга қўшилмаган, яшил билан – бетараф қолган, кўк билан эса – қўшилган одамлар улуши кўрсатилган.

Иргиз-Тўрғай-Жиланшик регионида алоҳида кўриқланадиган табиат ҳудудлари тармоғи

А.Телькараева

АСБК, aliya.telkarayeva@acbk.kz

Қозоғистонда ҳар хил турдаги чўл ландшафтлари 1,2 млн км²дан ортиқ майдонни эгаллайди, уларни ноёб глобал хавф остидаги ҳайвон турлари ва ўсимлик туркумлари эгаллайди. Чўл биохилма-хиллигини сақлашда алоҳида кўриқланадиган табиат ҳудудлари (АҚТХ) муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда чўллар зонасида қолган табиий муҳитнинг тахминан 1,7% АҚТХ ҳимоясида. АҚТХ тизимини 2030 йилгача кенгайтириш бўйича ҚР Ҳукуматининг Стратегияси чўл экотизимларини АҚТХ таркибига киритиш чораларини кўзда тутиб, бу амалдаги 2010-2014 йй. «Жасил Даму» тармоқ дастурида акс этган. Чўл биохилма-хиллигини сақлашда кўмаклашиш ва АҚТХ тармоғини яратиш мақсадида 2009 й. Глобал экологик фонднинг «Чўл экотизимларини сақлаш ва уларни турғун бошқариш» лойиҳаси бошланди. Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўрмон ва ов хўжалиги қўмитаси (ЎОХҚ) БМТ Ривожланиш дастури орқали Қозоғистонда амалга ошириладиган лойиҳанинг Ижрочи агентлиги ҳисобланади. РОО «Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси» (ҚБСА), ушбу лойиҳа шериги бўлиб, умумий майдони 6,2 млн. га бўлган, Қозоғистон марказий қисмидаги Қостанай областининг икки маъмурий районида жойлашган Иргиз-Тўрғай-Жиланшик (ИТЖ) синов ҳудудида чўл ландшафтларини бошқариш ва сақлаш тизимини ишлаб чиқмоқда. Ушбу участкада чўл ва сахро ландшафтларининг ҳар хил турлари, сув-ботқоқлик ерлари намоиш этилган, сут эмизувчи ва қушларнинг ноёб ва йўқолиб кетаётган турлари яшайди, бу ерда бетпақдала сайғоқ популяциясининг кўчиш, кўзилаш ва ёзда яшаш жойлари жойлашган.

Қозоғистон чўл зоналарида Биохилма-хилликни сақлаш стратегияси, бошқарувда марказий ролни маҳаллий табиатдан фойдаланувчилар ва ердан фойдаланувчилар ўйнайдиган, ўзаро экологик коридорлар билан боғланган, ҳар хил турдаги молиявий жиҳатдан турғун АҚТХ тизимини яратишга асосланади. Ушбу ҳолда, ўзаро экологик коридорлар билан боғланадиган Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати ва ташкил қилинаётган «Олтин Дала» давлат табиат резервати кўриқланадиган участка ҳисобланади. «Олтин Дала» резервати Қостанай областининг Жангелди ва Амангелди районлари ҳудудида жойлашган ва уч кластер участкадан иборат: Сарикопи, Тосинкум ва энг йириги Ули-Жиланшик. Барча учта участканинг умумий майдони 489 774 гектарни ташкил қилади. Ушбу объект бўйича ЎОХҚ Илмий-техник кенгаши томонидан маъқулланган, унга давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олинган техник-иқтисодий асос тайёрланган. Бир йил аввал Қостанай области Акимининг ерларни резерват ташкил қилишга резерв қилиб қўйиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Бундан ташқари, тадқиқотларимиз асосида Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати чегараларини кенгайтириш режалаштирилган; ушбу даврда кенгайтиришга техник-иқтисодий асос

тайёрлаш яқунланган ва ерларни резерв қилиб қўйиш жараёни кетмоқда.

Келажакда экологик коридорлар «Олтин Дала» давлат табиат резервати уч қисмини ўзаро ҳамда Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати ва Тўрғай заказниги билан бирлаштириши тахмин қилинмоқда. Коридорлар барқарор ов ерлари, хусусий табиатни сақлаш ҳудудлари ва турғун табиатдан фойдаланиш ва ердан фойдаланиш амалга ошириладиган бошқа участкаларни ўз ичига олади. Жараёнда ушбу ҳудуднинг табиатдан фойдаланувчилари, шунингдек маҳаллий ижро органлари ва бошқа манфаатдор тарафлар жалб қилинган. Экологик коридорлар яратиш стратегияси асосий тур ва экотизим мониторинги маълумотларига асосланади. Бу маълумотлар резерват бошқарилиши ва табиатни сақлаш фаолияти режалаштирилишини таъминлаш учун турли мониторинг тизимларидан фойдаланишда ҳар хил ташкилотлардан олинган.


Сайғоқ ИТЖ ҳудуди учун коридорлар танлаш ва уларни бошқаришга ёндашишга бевосита таъсир қилувчи асосий тур ҳисобланади. Сайғоқни сақлаш самарадорлигини кучайтириш, экологик коридорлар ишлаш шароитларини аниқлаш учун бу ҳайвонларнинг зич жойлашиш жойлари, кўчиш муддатлари, йўналиши ва тезлиги тўғрисида ишончли маълумотлар зарур. Совет давридан бўлган тарихий маълумотлардан ҳозир фойдаланиб бўлмайди, чунки сайғоқ яшайдиган жойларда ландшафтлар жиддий ўзгарган, ва сони кам бўлган ҳайвонларнинг ўзини тутиши аҳамиятли даражада фарқланади. ҚБСА мутахассислари томонидан 2008 й. апрелдан сайғоқлар учрашини қайд қилиш ишлари олиб борилди, шунингдек улар ҚР ҚХВ ЎОХҚ томонидан ҳар йили ташкил қилинадиган авиаҳисобга олишларда мунтазам иштирок этди. Улар билан олинган маълумотлар чўлларни сақлаш учун ҳамда экологик ландшафт жараёнларни баҳолаш учун устувор бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича моделлар қуришда ишлатилади. Бундан ташқари, 2009 йилдан бошлаб бетпақдала сайғоқ популяцияси мониторинги учун (2011 йилдан эса - устюрт популяциясида ҳам) ҚБСА ҳайвонларга йўлдош передатчиклари билан тамға босиш усули қўлланади.

Экологик коридорларни аниқлашнинг биринчи босқичи рельеф ва тупроқ турини ҳисобга олган ҳолда ўсимлик туркумларини кўрсатадиган экотизимлар харитаси бўйича ландшафт тўғрисида база маълумотларини йиғиш ҳисобланади. Сўнг, кам учрайдиган ўсимлик турлари ўсиши бўйича, ноёб ҳайвон турлари учраши, гидрографик тармоқлар бўйича маълумотлар, фазовий суратлар бўйича ёнғин тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва бошқ. ҳисобга олиннадиган ландшафт харита қилинади. Шу асосда қуйидаги зоналарни ажратиш бажарилади: 1) нисбий барқарорлик (экологик норма), 2) экологик хавф ва 3) экологик инқироз. Кейинчалик негатив жараёнларни бартараф этиш ёки минималлаштиришда,

ёки экотизимларга таъсир килувчи янги ноқулай омиллар аниқланишида, зона чегаралари қайта кўриб чиқилади. 2009 дан 2011 йилгача даврда синов ҳудудида кенг доирадаги мутахассислар: ботаниклар, орнитологлар, териологлар, ГИС-мутахассислар, геоэколог-ландшафтшунос, иқлимшунос иштирокида экологик мониторинг ўтказилди. Ишлар борасида янги маълумотлар олинган, кейинги таҳлиллар учун базавий линия белгиланган, экотизим ва уларнинг турли компонентларининг кейинги мониторинги учун майдонларга асос солинган, маълумотлар базаси яратилган, биринчи мониторинг натижалари баҳоланган.

Кўрсатилган маълумотлар таҳлили, коридор чегараларини аниқлаш учун мақсадли вазифа ва критерийлар танлаш коридорлар куриш жараёнининг иккинчи босқичи бўлди. Энг муҳим кўрсаткичларга мониторинг турларнинг яшаш жой табиий чегаралари, уларнинг силжиши, мавсумий кўчиш ва яшаш жойлари; у ёки бу ландшафт турларининг мавжудлиги; табиий ўсимлик қатламининг сақланганлиги, аҳоли яшайдиган пунктлардан узоқлиги; сувлоқлар мавжудлиги; вегетативлик индекси кўрсаткичлари; биохилма-хиллик киради.

Учинчи, якуний босқичда, экологик коридор чегараларини бевосита аниқлаш ва ГИСдан фойдаланиб,



MARXAN дастури ёрдамида ишлаб чиқилган экологик коридорлар схемаси

уларни харитага қўйиш олиб борилди. MARXAN дастури мақсадли вазифалар ва олинган маълумотлар асосида коридорларнинг энг қулай бирикувини топиш учун ишлатилган. Қўлланган комплекс тизимли ёндашув илмий асосланган АҚТХ/экологик коридорлар тармоғини лойиҳалашга имкон берди. Кейинги вазифа – барча тармоқ элементларини давлат қўриқлаш ва ёки назорат тизимига киритилиши ҳамда ушбу тармоқнинг самарали ишлашини таъминлаш.

Устюрт платосида сайғоққа чегара тўсиғининг таъсири ва уни юмшатиш имконлари

Э.Дж.Милнер-Гулланд

Лондон Империял коллежи, Сайғоқни сақлаш бўйича альянс, e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk

1990-чи йй. ўртасида Устюрт сайғоқ популяцияси сони тахминан 250 минг зотни ташкил қилган; 2000-чи йй. бошида бошқа популяциялар қаторида у аҳамиятли даражада қисқарди. Бирок, Қозоғистоннинг бошқа популяцияларига нисбатан, Устюрт популяцияси қисқаришда давом этмоқда. Қозоғистонда 2010 йй. авиаҳисобга олиш вақтида қайд қилинган энг кичик сон қиймати 4,900 зотни ташкил қилган. Сўнгги ҳисобга олиш маълумотларига кўра у атиги 6,500 ҳайвонни ташкил қилган. Эҳтимол, бу мавжуд популяцияларнинг энг кичик сонлисидир.

Қозоғистон ва Ўзбекистонда сайғоқдан доимий тижорат мақсадида фойдаланиш паст даражада тикланиш сабаби ҳисобланади, бу замонавий тадқиқот маълумотлари билан тасдиқланган. Ўтган йили бу ишларни ўтказиш вақтида, маҳаллий аҳоли Устюртдан Қозоғистон орқали Хитойга ўтадиган савдо йўлларини таърифлаб, ов ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган ва

сотиладиган, гўшт ва халқаро савдо учун ишлатиладиган шохлар учун қилинишини кўрсатди.

Устюртнинг трансчегара ҳолати, табиатни сақлаш учун қийинчиликлар туғдиради. Сайғоқ популяцияси бошининг кўп қисми Қозоғистон (ёз мавсуми) ва Ўзбекистон (қиш мавсуми) орасида мавсумий кўчишларни амалга оширади. Маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторинг резидент сайғоқлар, кам микдорда бўлса ҳам, Ўзбекистонда бутун йил давомида яшашини исботловчи маълумот олиш имконини берди. Ҳамма козоқ сайғоқлари чегарани кесиб ўтмайди, бироқ барибир популяциянинг аҳамиятли қисми икки мамлакат орасида кўчиб юради. Ҳодиса жойидан олинган сўнгги янгиликларга кўра, Қозоғистон ва Ўзбекистон орасида Ғарбдан Шарққа чўзиладиган тўсиқ участкасининг қурилиши тўлиқ якунланган (янгиликлар секциясида юқоридаги расмга қар.).

Тўсиқ ва унинг тикансимли конструкциясининг баландлиги сайғоқлар ўтишига йўл қўймайди деб тахмин қилинади. Устюрт сайғоқ популяциясига тўсиқнинг мумкин бўлган таъсири оқибатлари қандай бўларкин?

Сайғоқлар кўчиши оғир иқлим шароитларига мослашиш ҳисобланади, ва кўп тадқиқотлар ҳайвонларнинг ўзини тутиши ареал шимолда оғир қиш об-ҳавосидан омон қолиш, шунингдек шимолда жойлашган яйловлардан ёз давомида яхшироқ фойдаланишга қаратилганлигини кўрсатади. Ҳодиса сифатида кўчишлар дунёда йўқолиб бормоқда, ва сайғоқ, сонининг ўта қисқаришига қарамадан, ўзини бундай тутишни ҳали ҳам намоён қиладиган кўп бўлмаган кўчувчи туёқлилар турининг бири бўлиб қолмоқда. Бу, кўчиш сайғоқ турғунлиги ва унинг тикланиш имкониятларининг асосий сабаби эканлигини кўрсатади. Кўчишга ҳар қандай халақит бериш, эҳтимол ҳам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли таъсирга эга бўлади.

Бошқа мамлакатларда кўчувчи туёқлиларга тўсиқлар таъсирини ўрганиш тажрибаси, шунингдек 1970-чи йй. сайғоқлар кўчиш йўлларини тўсиб қўйган траншеялар қуриш вақтида сайғоқлар ўлимининг юқори даражаси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, биз яқин келажакда сайғоқлар тўсиқдан ўтишга уриниб, бу уриниш вақтида ўлиши ёки камида стрессга учраши ва жароҳатланиши мумкинлигини кутишимиз мумкин. Тўсиқ олдида сайғоқларнинг ҳар қандай тўпланиши браконьерлар учун уларни қулай мўлжалга айлантиради. Бу ўлим, усиз ҳам ўта камайиб кетган популяциянинг жиддий қисқаришига олиб келиши мумкин, бу эса шу йилнинг ўзида бошланиши мумкин.

Узоқ келажакда, кўчиш йўлларини кесиб ўтувчи тўсиқ, Ўзбекистондаги кам сонли ажралган резидент популяцияси ҳамда муҳим қиш захираларидан фойдалана олмайдиган Қозоғистон асосий популяциясини ўз ичига оладиган устюрт популяциясининг тикланиш имкониятини қисқартириши аниқ. Кўчиши сўнгги йилларда қисқарган ёки кўчишлари ҳеч қачон Устюртдаги кўчишлар каби кенг кўламда бўлмаган ва тирик қолган сайғоқ популяциялари ҳам мавжуд (масалан, Каспий олди Шимолӣ-Ғарбий популяция ва мўғул популяцияси). Шунинг учун, агар популяция қисқа муддатли ўлимни бошдан кечирса, тўсиқ популяциянинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келиши эҳтимолдан узоқ туюлади. Бунинг ўрнига, ҳодиса сифатида кўчишнинг қисқариши ва тўхташи




Тўсиқдан муваффақиятли ўтаётган ҳайвон (сурат К. Олсон томонидан тақдим этилган)

кузатилиб, бу популяциянинг 20 йил аввалги даражага қайтиш имконини қисқартиради.

Дунёда туёқлиларнинг энг катта кўчиши бир вақтнинг ўзида гўзал манзара ва ўсимлик ва ҳайвонлар таркиби ва ҳилма-ҳиллигини белгилайдиган ўсимлик ва тупроқ динамикасига таъсир қиладиган экотизим тузилишининг асосий кучи ҳисобланади. Демак, тўсиқ кўтарилиши натижасида Устюрт экотизими ҳам ўзгаришга чалиниши эҳтимол мавжуд.

Унда нима қилиш мумкин? Чегара тўсиқларини ўрнатиш табиат муҳофазаси билан боғлиқ бўлмаган кенгрок сиёсий ечимларнинг бир қисмилиги аниқ. Бирок, жалб қилинган ҳукумат ташкилотлари тўсиқлар таъсирининг нисбатан мумкин бўлган оқибатлари ҳамда уларни Устюрт сайғоқларининг кўчиши имкон қадар муваффақиятли ўтадиган тарзда юмшатиш усуллари тўғрисидаги ахборотга муҳтож. Ушбу масала бўйича дунёнинг кўп мамлакатларида бой тажриба мавжуд. Тўсиқлар таъсирини юмшатиш учун турли жуда қиммат ва техник жиҳатдан мураккабдан оддий деярли арзон чораларгача қўлланади. Тўсиқлар таъсирини юмшатиш бўйича оддий ва потенциал самарали чоралар мисоли пастдаги расмларда кўрсатилган. Тўсиқнинг пастки симли четини баландроқ кўтариш ва симтиканни оддий симга алмаштириш, шунингдек байроқ ёки тасма ёрдамида белги қўйиб, ҳаракатланаётган ҳайвонлар учун тўсиқни кўринадиганроқ қилиш тақлиф қилинади.



Кўчувчи ҳайвонларнинг жароҳатланишини қисқартирадиган оддий тўсиқ конструкцияси (схема К. Олсон томонидан тақдим этилган)

Тўсиқ қурилганлиги, қишки кўчиш эса бир неча ойдан кейин бошланишини ҳисобга олиб, имкон қадар тезроқ ечим топиш учун, дарҳол ғоялар тақдим этиш ҳамда вариантларни юқори ҳукумат даражасида муҳокама қилиш ўта муҳим. Акс ҳолда, биз дунёдаги 4 популяциядан бири *S.t.tatarica* йўқолиб кетишининг гувоҳи бўлиб қолишимиз мумкин. Бу ҳол рўй бермаслиги учун, қонуннинг самарали бажарилиши, одамларни жалб қилиш ва уларга таълим бериш ҳамда чегаранинг икки томонида кўрикландиган ҳудудлар яратишни қўшган ҳолда, Устюрт популяцияси учун келажакдаги табиатни сақлаш чоралар ўта зарурлигини биринчи ўринга чиқариш керак.

Сайғоқни сақлаш – ҳаётларининг иши



2012 й. февраль ойида машҳур зоолог-олим, Қозоғистон фанлар академиясининг аъзо-муҳбири, Қозоғистонда териологик тадқиқотлар асосчиси ҳамда 1949 йилдан 1977 йилгача раҳбарлик қилган, Зоология институтида териология лабораторияси асосчиси **Аркадий Александрович Слудский** туғилган кунига 100 йил бўлди. Зоология қизиқишларининг ҳар томонламалигида, ўрганишни 1930-чи йилларнинг иккинчи ярмидан шуғуллана бошлаган сайғоқ А.А.Слудский тадқиқотларида жуда катта ўрин эгаллаган. Юрий Грачев – сайғоқ биологиясининг катта билимдони, бу сонда А.А.Слудскийни бу турни сақлашга катта ҳисса қўшган инсон сифатида таништирди.

Аввалги юз йилликларда сайғоқ тўғрисида фақат бир қатор экспедициялар вақтида тўпланган, қисқа тўла бўлмаган маълумотларгина бўлган, асосан, алоҳида районларда ҳайвонларни учратиш тўғрисида ва сайғоқ шохлари савдоси тўғрисида. 1940-чи ва айниқса 1950-чи йиллар бошида тадқиқотлар жадалроқ олиб борила бошлади. Бу вақтга сайғоқ сони, аср бошида критик даражагача камайиш ва узоқ депрессиядан сўнг, тикланган, ва унинг хўжаликда ишлатилиши тўғрисидаги масалани қўйиш мумкин эди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида, А.А.Слудский томонидан Қозоғистон ССР Вазирлар Кенгашига билдириш хати тайёрланиб, 1954 й. Қозоғистонда лицензиялар бўйича сайғоқ овлашга рухсат берилди. Кейинги 40 йил давомида сайғоқ ови давлатга катта даромад келтирган, 1983 й. эса бир гуруҳ олимлар билан А.А.Слудский ва ов хўжалиги мутахассисларига овнинг биологик асосларини ишлаб чиқиш ва сайғоқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун Қозоғистон ССР Давлат мукофоти берилди.

1950-чи йиллар бошига тўпланган материаллар А.А.Слудскийнинг «Қозоғистонда сайғоқ» (1955) катта мақоласида чоп этилган. Унда сайғоқнинг олдинги ва замонавий тарқалиши, Қозоғистоннинг ҳар бир областида унинг сони ва яшаш зичлиги батафсил кўриб чиқилган, қишки ва ёзги тўпланиш район ва майдонлари аниқланган, сайғоқ хўжалигини олиб бориш, овни ташкил қилиш ва ўтказиш биологик асослари баён этилган, ҳайвонни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган, кейинги илмий-тадқиқот

ишларнинг вазифалари белгиланган.

«Йиртқич-қурбон» муаммосига «Йиртқич ва ўлжанинг ўзаро муносабатлари (антилопа ва бошқа ҳайвонлар ва уларнинг душманлари мисолида)» (Слудский, 1962) иш бағишланган. Унда сайғоқ ва бўри муносабатларига муҳим ўрин ажратилган. Бўриларнинг овлаш усули ва ўлжага ҳужумдан қочишга ёрдам берадиган ҳаракатлари батафсил баён этилган. Масалан, кўзилаш вақтида ҳайвонларнинг катта тўдага тўпланиши уларнинг йиртқичдан ўлишини камайтиради. Мақолада сайғоқ тўдаларига бўрилар етказган зарарнинг баҳоси берилди. Бирок, бўрилар етказган катта зарарга қарамадан, А.А.Слудский антилопа душманлари уларнинг сони ўзгаришига олиб келадиган омил ҳисобланмайди деган хулосага келади. Бундан ташқари, касал ва нимжон ҳайвонларни йўқотиб, йиртқичлар ўлжа популяциясини соғломлаштиради ва уларнинг



Бетпак-далада сайғоқ экспедицияси, 1956 й.

якши яшашининг муҳим ва зарур омили ҳисобланади. Бу хулосаларнинг тўғрилиги сайғоқ сонининг ўсиши ва юқори даражаси ўн йиллик давомида бўриларнинг жуда юқори сонидан бўлган, 1970-чи йилларда яққол тасдиқланди.

Бошқа муҳим ишда «Евроосиё чўл ва саҳроларидаги джутлар» (Слудский, 1963) уй ва ёввойи ҳайвонларга, жумладан сайғоқларга ноқулай об-ҳаво шароитларининг таъсири кўриб чиқилади. Қишки очарчилик, озиб кетиш ва ҳайвонларнинг ялпи ўлими бутун Евроосиё чўл зоналари ва мўътадил саҳролари давомида мунтазам рўй бериши кузатилган. Мақолада ҳайвонларнинг кишда яшайдиган районларидаги табиий шароит, джутлар (кор устки қопламанинг қотиб қолиши) такрорланиш даврийлиги, туёқлиларнинг ўнлаб ва юзлаб минг зотда ҳисобланадиган ўлим миқдорининг батафсил тавсифлари берилди. Сайғоқнинг кишлаш шароитларига морфологик ва экологик мослашиши – танани қоплаган тук диморфизми, ёғ тўплаш, қор тагидан озуқа топиш қобиляти, катта тўдалар ҳосил қилиш, бошқа туёқлилар билан бирга ўтлаши, кўчиши ва бошқ. таърифланган.



А.А. Слудский сайғоқчаларни белгилаш вақтида, 1967 й.



Сайғоқлар сувдан чиқмоқда

Ҳайвонлар организмга джутлар таъсири батафсил кўриб чиқилган. Озиб кетиш натижасида авитаминоз, овқат ҳазм қилиш тракти касалликлари кенг тарқалади, организмнинг инфекция ва инвазия касалликларга қаршилиқ кўрсатиши кескин пасаяди, жинсий безлар фаолияти пасаяди, эмбрионлар резорбцияси, ялпи абортлар, ўлик кўзилар туғилиши кузатилади. Ов хўжаликларида джут билан курашиш бўйича бир қатор амалий чоралар – қорни юмшатиш, пичан тайёрлаш ва бошқ. таклиф қилинмоқда.

1965 й. А.А.Слудский ташаббусига кўра доимий сайғоқ бўйича комплекс экспедиция ташкил қилиниб, унинг вазибаларига ҳар йили авиавизуал ҳисобга олиш, озуқа, кўпайиш, кўчиш, касалликлар, паразитлар ва бошқ. ўрганиш кирган. Сайғоқдан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар ҳар йили ҳукумат органларига тақдим этилиб, амалиётга жорий қилинган. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида (1965 дан 1981 йилгача) Қозоғистонда сайғоқ экологиясининг барча масалалари бўйича катта қўламдаги материал тўпланган. Унинг асосида «Қозоғистонда сайғоқ» (Фадеев, Слудский, 1982) монографияси ёзилган. А.А.Слудский шахсан экспедиция ишларида қатнашган ва монографиялар ҳаммуаллифи бўлган, бироқ, афсуски, эрта ўлими туфайли уни яқунлашда иштирок эта олмади.

Кейинги ўн йилликларда А.А.Слудский томонидан бошланган тадқиқотлар давом этди. Қозоғистонда ўтказилган тадқиқотлар натижаси биргалликдаги «Сайғоқ: филогения, систематика, экология, сақлаш ва фойдаланиш» монографияси (мух. В.Е.Соколов, Л.В.Жирнов. М., 1998), «The Ecology and management of Saiga antelope in Kazakstan» мақоласи (А.В.Бекенов et al., 1998) ва бошқа ишларда акс этган. А.А.Слудский ишлари сайғоқ экологиясини аниқ тушунишдан далолат беради ва, кўп бошқа турлар учун кўпинча мавжуд бўлмаган, ниҳоятда қимматли узок вақтга мўлжалланган маълумотлар билан асосланган.

Тахририятдан: Ҳар сонда биз сайғоқни сақлашга катта ҳисса қўшган инсонга мақола бағишлаймиз. Бу инсонлар бутун дунёнинг турли жамият қатламларидан, бироқ уларни чўл антилопасига бўлган муҳаббат бирлаштиради. Агар Сиз кейинги Сайга Ньюс сони учун сайғоқни сақлаш соҳасида қаҳрамонни таклиф қилмоқчи бўлсангиз, марҳамат, esipov@xnet.uz муҳбири билан боғланинг.



Сайгоқлар сувлоқда

Миннатдорчиликлар

Сайгоқни сақлаш бўйича альянс сўнги 6 ой давомида бизнинг фаолиятимизни қўллаган барчага, хусусан Джой Ковей ва Тэйлора Герстга, Кеннон ва Боб Хадсонларга, Глория ва Кент Маршалларга, Николас Гонзалес ва унинг оиласига, Джоан Бриджвуд, Карролл Энн Ходжес, Дебор Чорнеко, Питер Джелинека, Ринат Абдрашидов, Джозеф Альфано, Брук Кэпрон ва Патрисия Вудга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Утли фонди ва Дисней-Канада, Дисней онлайн студиясига бизнинг Ўзбекистондаги ишмишизни қўллаб-қувватлагани, SMS га коммуникацион кўмаги ва WCN га ташиқий ёрдами ҳамда халқаро ва регионал дастурларимизни доимий қўллаб-қувватлаши учун миннатдорчилик билдираимиз.

Ушбу сонни чиқишига ёрдам берган ташиқлотлар WCN, WWF-Мўғулистон ва WCS-Хитойга миннатдорчилигимизни билдираимиз.

Тахрир хайъати. Буюк Британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [мухаррир-консультант], Империял Коллеж Лондон (e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk); Қозоғистон: проф. А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти (teriologi@mail.ru), О.Климанова, АСБК (olga.klimanova@acbk.kz); Хитой: Аили Канг (akang@wcs.org) ва Фенглиан Ли (fli@wcs.org), WCS Хитой; Мўғулистон: Б. Лхагвасурен (lkhagvasuren@wwf.panda.org) ва Б. Чимеддорж (chimeddorj@wwf.mn), WWF-Мўғулистон; Россия: А. Лушкекина, Экология ва эволюция муаммолари институти (saigak@hotmail.com) ва проф. Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёвойи ҳайвонлар маркази (kalmsaiga@mail.ru); Ўзбекистон: Е. Бикова [маъсул мухаррир] ва А. Есипов, Ўсимлик ва ҳайвонот генофонди институти (esipov@xnet.uz).

Бу нашрни online www.saiga-conservation.com, <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да, ёки сўровнома бўйича босиб чиқарилган кўринишда инглиз, қозок, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.

Олти тилнинг ҳар қандайида материал юборишингизни сўраймиз. Илтимос, уларни қуйидаги манзил бўйича esipov@xnet.uz, ёки мухаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилидаги муаллифлар учун қоидаларни www.saiga-conservation.com да топиш ёки мухаррирлардан олиш мумкин. Агарда саволлар туғилса илтимос, *Saiga News* мамлакатингиздаги мухаррири ёки маъсул мухаррир Елена Бикова (esipov@xnet.uz) билан боғланинг.